

Х.М.Камилов, Х.Ж.Қамбаров, Ф.Х.Тўхтаев

# ФАРМАЦЕВТИК БИОТЕХНОЛОГИЯ

1-ҚИСМ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛНЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

Х.М. КАМИЛОВ, Х.Ж. ҚАМБАРОВ,  
Ф.Х.ТЎХТАЕВ

# ФАРМАЦЕВТИК БИОТЕХНОЛОГИЯ

*фанидан дарслик*

*1-қисм*

*Билим соҳалари: 900 000 – Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот*

*700 000 – Мухандислик, ишлов бериши ва қурилиши*

*Таълим соҳалари: 910 000 – Соғлиқни сақлаш*

*710 000 – Мухандислик иши*

*Мутахассислик: 5510500 – Фармация (турлари буйича)*

*5111000 – Касб таълими (йуналишлари буйича)*

*5510600 – Саноат фармацияси (турлари буйича)*

*5320500 – Биотехнология (тармоқлар буйича)*

«IBN-SINO»  
ТОШКЕНТ-2022

ББК:52.82я73

Ф 20

УЎК: 615.43:633.09(075.6)

615.4  
К 21

Х.М. Камилов, Х.Ж. Қамбаров, Ф.Х.Тўхтаев  
Фармацевтик биотехнология/дарслик/1-қисм, Т.:2022-й.,-260 б.

Тақризчилар:

**С.Саидов**-Тошкент фармацевтика институти қошидаги координацион  
бириқмалар лабораториялар мудири, тиб.ф.д., доцент

**М.Худойбердиев**-Биоорганик кимё илмий тадқиқот институти,  
лаборатория мудири, т.ф.д.

*Дарслик 5510500 – Фармация (турлари буйича), 5111000 – Касб таълими (йўналишлари буйича), 5510600 – Саноат фармацияси (турлари буйича) ва 5320500 – Биотехнология (тармоқлар буйича) йўналишлари бакалавриатура талабаларига «Фармацевтик биотехнология» фани учун тузилган.*

*Дарсликда биотехнология объектлари, микробиотехнология, микроорганизмлар культивацияси ва ген муҳандислиги буйича маълумотлар келтирилган. Дарсликда тақрорлаш ва мустақил ишлашга осон бўлиши учун мавзулар охирида уларга тегишли саволлар, глоссарий ва адабиётлар руйхати берилган.*

*Дарсликдан фармацевтика ва техника институтлари, фармацевтика факультетлари талабалари, шунингдек соҳага оид бўлган олий ўқув юртлари ўқитувчи ва ўқувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.*

ISBN: 978-9943-9297-4-3

SDVU Anhorot  
resurs markazi  
Inv № 372360

©Х.М. Камилов, Х.Ж. Қамбаров, Ф.Х.Тўхтаев


©«IBN-SINO»2022.

## КИРИШ

Биотехнология турли соҳа мутахассисларининг диққат марказидаги йўналишдир. Антибиотиклар пайдо бўлиши даврини биотехнологиянинг алоҳида фан сифатида шаклланиш даври деб ҳисоблаш мумкин. XX асрнинг 50-йилларида озуқа муҳитлари яратилиб, уларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, 60-йилларда вакциналар, 70-йилларда қатор янги технологик жараёнлар ва уларни амалга оширадиган жиҳозлар ва қурилмалар лойиҳалари яратилди. Қўнчилик олимларнинг фикрича XXI аср биотехнология асри бўлади. Молекуляр биология ва генетиканинг улкан ютуқлари, ҳамда соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни ҳимоялаш соҳаларини ривожлантириш, озиқ-овқат ва минерал ресурслар танқислигини бартараф қилишга йўналтирилган принципиал янги технологияларга бўлган эҳтиёж асримизнинг биотехнология асри бўлишини тақозо этади.

Биотехнология – бу биологик тизимлар иштирокида (биологик объектлар, биологик усуллар ва биотехнологик жараёнлар) ва ёрдамида техника ва технологиядаги муаммоларни ечиш жараёнидир. Биологик тизимлар табиати турлича бўлиши мумкин. Биологик тизимлар сифатида турли организмлар ва уларнинг таркибидаги оксиллар, ферментлар, генлар ва хилма хил метаболитлар хизмат қилиши мумкин. Биотехнология – бу ген муҳандислиги, хужайра биологияси, микробиология, биокимё, молекуляр биология, генетика, иммунология, молекуляр биотехнология, ферментлар муҳандислиги, оксиллар муҳандислиги, ген муҳандислиги, нанотехнология, биоинформатика ва бошқа қатор фанларнинг ютуқларига асосланган фан ҳисобланади. Асосий ҳозирги замон биотехнологияни йўналишлари қўйидаги схемада кўрсатилган.





*1-расм. Ҳозирги замон биотехнологиясининг асосий йўналишлари.*

Албатта бу схема ҳозирги кундаги ҳолатни ифодалайди. Келажакда яна бир қатор йўналишлар шаклланиши мумкин.

Дори воситаларини ишлаб чиқаришда анъанавий технологиялар ўрнида биотехнологияни қўллаш янги имкониятлар яратмоқда. Биотехнологик усул билан қатор ген маҳандислик маҳсулотлари (интерферонлар, интерлейкинлар, инсулин, гепатитга қарши вакциналар ва ҳ.з.), ферментлар, диагностикаумлар, витаминлар, антибиотиклар ва бошқалар ишлаб чиқарилмоқда.

Биотехнологиянинг келажаги порлоқ, у юқори рентабелли ишлаб чиқариш соҳаларидан ҳисобланади. Биотехнология соҳасидаги ишланмаларнинг энг катта қисми ривожланган мамлакатларга тўғри келади. Бутун дунёдаги 3000 га яқин биотехнологик компанияларнинг 1500 дан кўпроғи фақат АҚШ да фаолият кўрсатмоқда. Европада мавжуд 600 дан ортиқ биотехнологик компаниялар ишлаб чиқариш кўлами муттасил ортиб бормоқда. Катта аҳамиятни Япония ҳукумати биотехнологияга бағишлайди – бу соҳани энг муҳим йўналиш деб эълон қилинган. Бошқа давлатларда ҳам молекуляр-биологик, ген инженерия, гепотерапия, дори

воситалар биотехнологияси ва бошқа бир қатор йўналишлардаги лабораториялар мавжуд бўлиб, улар энг замонавий ускуналар билан жихозланган.

Биотехнологиянинг беқиёс имкониятларидан тиббиётнинг муҳим муаммоларини, шу жумладан янги, юқори самарадорли дори воситалари яратишда фойдаланиш, сўзсиз истиқболли йўналишдир.

Фармацевтика саноати мамлакатиз иқтисодиётининг сўнги пайтларда энг жадал ва юқори суръатларда ривожланаётган тармоқларидан биридир. Бу кўп ҳолатларга боғлиқ бўлиб, иқтисодиётнинг ушбу сектори Республикасининг соғлиқни сақлаш, тиббиёт ва тиббий-техникавий ёрдам соҳасида хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўшади, фармацевтика инновацион тармоғи бўлганлиги учун ҳукуратимиз томонидан қўллаб-қувватланади. Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланиши тиббий маҳсулотларнинг самарадорлиги, қулайлиги ва тўғри қафолатланган сифатига боғлиқ. Бутун дунёда фармацевтика саноати иқтисодиётнинг юқори рентабелли тармоқлардан бири бўлиб, сотиш ҳажми ва фармацевтика бозорининг ўсиш суръати, доимий равишда ортиб бормоқда.

Фармацевтика биотехнологияси истиқболли йўналишлардан биридир. Хусусан, моноклонал антитаналар билан аҳолининг мақсадли терапияси ва иммунопрофилактикасида қўлланилади. Микроорганизмлар антибиотиклар, гормонлар, витаминлар, ферментлар ва бошқалар каби муҳим бирикмаларни ишлаб чиқаришда қўлланилади. Ген инженериясидаги ютуқлар туфайли рекомбинант дори воситалари, вакциналар, селектив аллергенлар ва замонавий диагностика усуллари учун реагентлар ишлаб чиқаришда сезиларли ютуқларга эришилди. Фармацевтик биотехнологияни қўллаш билан минимал харажат ва максимал атроф-муҳит муҳофазаси билан юқори самарали дори воситаларини олиш имконини беради.

## ЎЗБЕКИСТОНДА БИОТЕХНОЛОГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Биотехнология фани Ўзбекистон учун энг кенжа фанлардан бўлиб, унинг тарихи ўзоққа бормайди (қадимий биотехнологиялар; нон ёпиш, қатиқ тайёрлаш ва х.к. бундан истисно). Бу фан асосан Ўзбекистон фанлар академиясининг микробиология институтида, генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида ҳамда Республика Кимё бирлашмасига қарашли бир қатор заводларда (Янгийўл биокимё заводи, Андижон гидролиз заводи, Қўкон спирт заводи) ривожланиб келмоқда.

Биотехнология ихтисослиги бўйича биринчи ўзбек академиги А.Г.Холмуродов (1939-1996) фўзариум авлодига мансуб замбуруғлардан НАД-коферменти ва витаминлар комплекси (В гуруҳига кирувчи витаминлар, витамин РР, Q10 ва х.к.) тайёрлаш технологиясини яратди.

Академик Абдукаримов А.А. ва шогирдлари ген инженерия соҳасида катта изланишлар олиб бораяпти. Б.ф.д. М.М.Рахимов ферментлар муҳандислиги соҳасида энг йирик мутахассис деб ҳисобланади. Катта изланишларни академик Ш.И.Салихов, б.ф.д. Азимова Ш.С., б.ф.д. К.Д.Давронов амалга ошираяпти.

Б.ф.д. Ж.Ташпулатов, сомон ва ғўзапояни парчалашда "триходерма харзианум" деб аталмиш замбуруғ ферментларидан фойдаланиш мумкинлигини илмий асослаб берди ва бу технологияни амалиётга қўллаш таклиф ва мулоҳазаларини чоп этди.

Биотехнология фани ўқув жараёнида бир қатор олий таълим юртларида ўқитилади. Булар ичида Ўзбекистон Миллий университети, Кимё технология институти, Тошкент фармацевтика институти, Аграр университети, маълум билимлар Ўзбекистон тиббиёт академиясида ҳам ўзлаштирилади. Ўқиш жараёнлари қаторида кафедралар ва лабораторияларда бакалавр, магистрлардан ташқари фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланапти.

Бир қатор ўзбек олимлари М.Э.Мавлоний, Т.Сиатов, Ж.Мусаев, М.Муродов, Т.Г.Ғуломова, З.Р.Ахмедова, Х.Т.Хасанов, А.Х.Вахабов, Р.Шояқубов, Х.Каланов, З.Ф.Исмоилов, И.Ж.Жуманиёзов ва бошқалар мамлакатимизда биотехнология соҳасида чуқур илмий ва амалий ишлар олиб бормоқдалар.

Юқорида зикр этилган уч корхонада (Андижон гидролиз заводи, Қўқон спирт заводи, Янгийўл биокимё заводларида) спирт олиш учун зарур бўлган амилаза ферментини ишлаб чиқариш бўйича чуқур изланишлар олиб борилмоқда.

Бу каби биотехнологик ишлаб чиқариш назарияларини яратиш, уни амалиётга тадбиқ этиш ишлари юзасидан ЎзФА Микробиология институти ва Тошкент Давлат Аграр университети қишлоқ хўжалик биотехнологияси кафедраси ҳамда ўсимликлар биотехнологияси лабораторияси олимлари фаол илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Мамлакатимиз равнақи, унинг иқтисодини янада ошириш мақсадида энг аввало қуйидаги биопрепаратларни ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқ зарур:

- ✓ *Озиқ-овқат ва чорвачилик учун оқсил моддалари;*
- ✓ *Аминокислоталар;*
- ✓ *Органик кислоталар (лимон кислотаси ва уни ўрнини босадиганлар);*
- ✓ *Антибиотиклар (биринчи навбатда 4-5 авлодга мансуб антибиотиклар);*
- ✓ *Витаминлар;*
- ✓ *Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ишлаб чиқариш.*
- ✓ *Таъхис учун янги аналитик биотехнологияга асосланган усуллар*
- ✓ *Биогенлар, ферментатив электродлар ва ҳоказо.*

Афсуски, ҳозиргача мамлакатимизда сармоялар танқислиги сезиларли. Олимларимизни, қолаверса бугунги кунда таълим олаётган талабаларнинг олдиларига қўйиладиган кўп сонли масалаларни энг долзарблари юқоридагилардан иборат.



## БИОТЕХНОЛОГИЯ ФАН СИФАТИДА

### 1-БОБ.

## БИОТЕХНОЛОГИЯНИНГ ФАНЛАР ОРАСИДА ТУТГАН ҶУРНИ

Биотехнология – бу биологик жараёнларни техника ва саноат ишлаб чиқаришда фойдаланиш ҳақидаги фан. Биологик жараёнларга, ҳар хил табиатли (микроб, ўсимлик ёки ҳайвон) биологик объектлардан фойдаланганлар киради, масалан тиббий, озиқ-овқат ва бошқа мақсадлар учун бир қатор маҳсулотларни ишлаб чиқариш – антибиотиклар вакцина, ферментлар ва озуқавий оксиллар, полисахаридлар, гормонлар, гликозидлар, аминокислоталар, алкалоидлар, биогаз, ўғитлар ва бошқалар.

Биотехнологларнинг Европа Федерациясининг (ЕФБ, 1984) аниқланмасига асосланиб биотехнология микроорганизмларнинг, тўқималарнинг хужайраси ва уларнинг қисмларининг хусусиятларини саноатда амалга ошириш мақсадида биохимия, микробиология ва инженерлик илмларни биргаликда фойдаланишга асосланади. Биотехнология бевосита умумий биология, микробиология, ботаника, зоология, анатомия ва физиология, биологик, органик физик ва коллоид кимё, иммунология, биоинженерия, электроника, дори турлари технологияси, генетика ва бошқа фанлар билан боғлиқ.

XX асрнинг иккинчи ярмини бизлар таъминот-техник инқилоб замони деб бежиз атамаймиз. Илм бугунги кунда одам ҳаётида катта аҳамиятга эга, ҳар бир масалани фанга ёндашган ҳолда ечиш давр ва замон талаби бўлиб қолди.

Инсон жамияти ривожланиши ва шаклланиши билан биргаликда илм шаклланди ва ривожланди. Бу бевосита биотехнологияга ҳам тегишли. Илмнинг пайдо бўлиши, тикланиши ва ривожланишини шартли 4 даврга бўлиш мумкин: эмперик, этиологик, биотехник ва генотехник.

**Эмперик** - (грек сўзидан *empeirikos*-тажрибали) ёки тарихгача давр, энг ўзун, ўзига 8000 йилни жамлайди, уларнинг 6000 йили – эрамаздан олдин ва 2000 йили бизнинг эрага тегишли. Шу

вақтлардаги қадимги халқлар, ҳозирги вақтдан биотехнологик жараёнларга кирадиган нон, пиво, ва бошқа озиқ-овқатларни тайёрлаш усулларини ишлатган. Овчилик инқирози озиқ-овқат тайёрлашда янги бурилиш ясади. Бу инқилоб 8000 йил олдин бошланиб деҳқончилик техникасининг пайдо бўлишига олиб келди. (неолит ва бронза асри). Месопотамия, Миср, Хиндистон, Хитойда маданият шакллана бошлади. Месопотамия халқи – шумерлар шу вақтда ривожланган маданиятни яратишди. Улар ачиган ҳам ирдан нон пиширарди, пиво тайёрлашга эга эдилар. Булар кетидан ассириятлар, бобилликлар, мисрликлар ва қадимги хиндлар юрар эдилар. Қадимда уй шароитида бир неча минг йилдан бери сирка тайёрланган, лекин Пастер ишлари ёрдамида олам 1868 йил бу жараёнга микроблар сабаблиги аниқланди, бу XIV асрдаги (Орлеан усули) ёрдамида сирка тайёрланганига қарамасдан, винонинг биринчи дистилляцияси XII асрда амалга оширилди. XVI асрда ғалла ўсимликларидан ароқ олинди, шампан виноси ичимлиги XVIII асрдан бери маълум, лекин тоза этанол биринчи марта XIV асрда испан Райлунд Люллий томонидан винони сундирилмаган оҳак ёрдамида ҳайдалганда олинди.

Қадимда ўсимлик ва ҳайвонлардан олинган озиқ-овқат маҳсулотлари фақат озиқ учун ишлатилмаган, даволаниш мақсадида ҳам ишлатилган. Масалан, Ниневия шаҳрида эрамиздан аввалги 8-7 асрда шох кутубхонаси бўлган, унда 30000 ёзилган жадвал бўлиб ундан 33 тасида ўсимлик воситалари ва уларнинг рецептураси келтирилган ва шаҳарнинг ўзида шифобахш ўсимликларга бой боғ бўлган. Ўзоқ вақт маълумотларнинг кўпайиши микология соҳасида ҳам бўлди. (грек сўзидан *tykes* - замбуруғ). Замбуруғлар ҳақидаги маълумотларни қадимги ёзмаларда топса бўлади, бироқ Луций Лициний Лукул (эрамиздан аввалги 105-56 йиллар) шу вақтлардаги бой, дабдабали зиёфат уюштириши билан таниқли бўлган, у замбуруғлар ичида *Amanita cesarean* L – Кэсарев замбуриғини ейишга маслаҳат берарди. IV-I асрда бизнинг эрамизгача замбуруғлар ҳақида қизиқарли маълумотлар йиғилди, буларни Аристотель, Диоскорид, Плиний, Теофрастларнинг ишларида топса бўлади. Бизнинг

эрамизнинг кейинги асрларида микология-муствақил илм бўлиб, бунда Д.Персон ва Э.М.Фриз ишларининг аҳамияти катта. Булар тизимтик микологиянинг боболари бўлиб ҳисобланади.

Қадимги халқлар ҳаётда микробиологик жараёнлардан фойдаланиб, лекин микроблар ҳақида ҳеч нарса билмасди.

**Этиологик** – (грек сўзидан *aitia* сабаб) даври биотехнологиянинг ривожланиш вақтини 3/1 қисмини ўз ичига олади (1856-1933).

Бу давр Луи Пастер (1822-1895) тажрибалари билан боғлиқ. Луи Пастер – илмий микробиология ва микробиологик соҳаларнинг (саноат, тиббий, кимёвий, санитар) асосчиси. Аналитик микробиология бевосита Пастер молекуляр асимметрия (стереоизомерия) очиши билан боғлиқ. Пастер микробларнинг ачиш табиатининг кислородсиз шароитда ҳам ўтишини исботлади, вакцинопрофилактика ва вакцинотерапиясини илмий асослади, стерилизация усулини таклиф қилди ва бунини пастеризация деб номланди.

Пастернинг шуҳрати унинг ўқувчилари ва ҳамкорларнинг номларини тўсиб қўймади. Э.Дюкло, Э.РУ, Ш.Э.Шамберлан, Ж.А.Вильмен, И.И.Мечников шу даврда Р.Кох, Д.Листер, Ш.Китазато, Г.Т.Риккета, Д.И.Ивановский, А.Лаверан ва бошқалар улар қатори киради. Пастер билан бир вақтда Германияда кейин Францияда А.де Бери (1831-1888) – физиологик микологиянинг асосчиси фаолият кўрсатган. А. де Бери замбуруғларнинг ривожланишини ва тарихини аниқлаб ҳозирги вақтдаги замонавий микро ва макромицетларнинг асосида етган замбуруғларнинг классификациясини яратди.

Де Бери микофитопатология – ўсимликларнинг замбуруғли касалликлари ҳақидаги илмнинг асосчиси, унинг бошчилигида бир қатор олимлар етишиб чиққан: Ф.М.Бальфур, И.В.Баранецкий, М.Бейеринк, О.Брефельд, М.С.Воронин, А.Кох, А.С.Фамининин ва бошқалар. Биотехнологияда озикли биобъектларни ўстириш учун озикли муҳит катта аҳамиятга эга. Л.Пастер биринчи суюқ озик муҳитни 1858 йил тайёрлаган, 1864 йили О.Брефельд замбуруғларни желатин муҳитида ўстиришни тавсия этди. 1870 йил Ж.Ролен ипли

замбуруғларни ўстириш учун суюқ муҳитлар ҳақида маълумот берди. 1876 йили Р.Кох куйдирги бациласини ўлган молнинг кўзидаги 1 томчи сувли суюқликда ўстира олди.

Хозирги вақтда биобъект ўстириш учун янги мураккаб муҳитлар тавсия қилганимизда бу олимларнинг натижаларига асосланамиз.

Д.И.Ивановский (1864-1920) 1892 йил тамакидаги вирусни аниқлади. Кейинчалик бошқа вирусларнинг аниқланиши янги таълилот – вирусологиянинг пайдо бўлишига олиб келди. Масалан: Ф.Лефорлар ва П.Фрош 1898 йил оқчим-вирусини, Д.Кэррол 1901 йил сариқ иситманинг вирусини, Ф.Туэрт 1915 йили Ф.д Эзелль 1917 йил бактерия вирусини (бактериофаг) аниқлади. Вирусологияга катта ҳисса қўшган олимлар – бу Л.А.Зильбер, А.А.Смородинцев, М.П.Чумаков, А.Борель, К.Левадит, К.Ландштейнер, В.Стэнли, П.Лейдлоу, П.Руа, П.Ф.Эндерс ва бошқалар.

Этиологик даври микробларнинг индивидуаллигини ва уларнинг тоза муҳитларда ўстириб олиш билан аҳамиятли. Бу даврда прессланган озиқ замбуруғлари ишлаб чиқарилди ва бир неча алмашилишнинг маҳсулотлари – ацетон, бутанол, лимон ва сут кислоталар. Франция туриб қолган сувларни микробиологик тозалаш биокурулмасини ишлатишга киришди. Ҳар тарафлама морфологик – хусусиятлар ва алмашиш маҳсулотларни ўрганиш учун асосан замбуруғларда уларнинг олдинги келтирилган ўстириш усуллари самараси кам бўлди. 1933 йил А.Клюйвер ва Л.Х.Ц.Перкин “Моғор (пўпанак) замбуруғларидаги моддаларнинг алмашиш усулларини ўрганиш” номли ишини босиб чиқарди. Бунда чуқурланган замбуруғларни ўстиришнинг асосий техник усуллари, натижаларини баҳолаш ҳақида маълумотлар келтирилган.

Шу вақтдан учинчи давр – **биотехник** бошланади. Стерил шароитда жараёнларни ўтказишга оид катта масшабли герметик мослама биотехнологияга киритилди. Асосан саноат биотехнологиясининг ривожланиши антибиотик ишлаб чиқариш вақтига тегишли.

Шу вақтлардаги биологик, технологик соҳасидаги ривожланган нарсалар биотехнологияда ҳам ўрин олди. Шунини айтиш керакки 1869



йили Ф.Мишер лейкоцитдан “нуклеин” ДНКни олди, В.Оствальд 1893 йили ферментларнинг каталитик функциясини очди, Т.Леб 1897 йили қуралган тўқиманинг ва қоннинг хужайраларнинг организмдан ташқари яшаш қобилиятини аниқлади. Г.Хаберланд 1902 йили ўсимликнинг ҳар хил тўқималарнинг оддий озик эритмаларда ўстириш мумкинлигини топди. Ц.Нитберг 1912 йили ачиш процессининг (жараёнларнинг) механизмини очди, Л.Михаэлис ва М.Л.Ментен 1913 йили ферментли реакциянинг кинетикасини ишлаб чиқди. А.Каррел биринчи марта тўқиманинг хужайрасини ҳайвон ва одамдаги ўсишини тезлаштириш учун эмбрионнинг экстрактини ишлатди, Г.А.Надсон ва Г.С.Филипов 1925 йили замбуруғларга рентген нурларининг мутаген таъсирини аниқлади, 1937 йили Г.Кребс 3 карбонли кислотанинг циклини очди, 1960 йили Ж.Барски ва бошқалар сичқонни ўсимта хужайрасида соматик гибридларни аниқлади. 40 йил давомида учинчи даврда керакли асбобларни ишлаб чиқариш, аниқлаш ва амалиётга киритилди ва улардан энг аҳамиятлиси бу биореакторлар.

Генотехник (грек сўздан genesis – келиб чиқиш, пайдо бўлиш, туғилиш) 1972 йилдан бошланди. Шу йили П.Берг ва ходимлари билан АҚШда биринчи рекомбинант молекула ДНКни топди. Лекин айтиб ўтиш керакки 1969 йили Дж. Бекуист ва ходимлари билан ичак таёқчасидан кимёвий тоза ҳолда лактоз генни олди.

Албатта Ф.Крик ва Дж.Уотсон (1953) ларнинг асосий иши ДНК тўзилишини келтиришисиз ҳозирги вақтда биотехнология соҳаси бу қадар ривожланмаган бўларди. ДНК механизми ва ДНК олиниши, специфик ферментларни ўрганиш кабилар ҳозирги вақтда ген-муҳандислигининг ривожланишининг асоси бўлиб ҳисобланади.

1982 йили одам инсулини сотувга чиқди, бу ичак таёқчаси ишлаб чиқариб ўзида ўша гармон ҳақида сохта генетик маълумоти киритилган. Шу усул билан ген-муҳандислиги воситалари олинди: интерферон, интерлейкен – 2, соматормедин Ц ва одамнинг соматотроп гармони. Ҳар бир организмдаги насл аппаратининг тўзилишини билиб туриб нуклеин кислоталари, хромонлар ва хужайраларни бошқарса бўлади.

Генотехник кучли жараёнларнинг фундаментал асосига қаратилган аниқлашлар ишлаб чиқиш, суперпродуцентларни олиш, кучли генетик маълумотга эга бўлган продуцентлар олиш, экологик тоза технологиялар киритиш, автоматлаштириш ва компьютерлаш, саноатда хом ашёни максимал фойдаланиб ва энергияни кам сарфлайдиган тежамкор асбоблар ишлаб чиқариш ва бошқалар даврига хос бўлган.


Охирги 10-15 йиллари биотехнология кучли ривожланди, ва тиббий биотехнология, иммунобиотехнология (лотинча сўздан *immunis* - сезмайдиган), биогеотехнология (грек сўздан *geo* – ер), инженер энзимологияга (грек сўздан *en* – унда, *zyme* – ачитиш, ивитиш) асос солинди.

Тиббий аҳамиятга эга биотехнологияга биообъект орқали тиббий моддалар ва воситалар олиш билан тугайдиган саноат жараёнлари киради. Булар – антибиотиклар, витаминлар, коферменлар, ферментлар ва бошқалар.

Иммунобиотехнология қоннинг иммуноглобулини, иммуномодуляторни, иммуномедиатор ва бошқаларни ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

**Биогеотехнология** – бу олдин геологик микробиология бўлиб номланган фан. Микроорганизмлар ёрдамида фойдали ер бойликларини олиш, масалан рангли металллар, нефть олишдан иборат. Хозирги вақтда биотехнологик жараёнларнинг ҳаммаси технологик жараён эмас эканлигини айтиб ўтиш керак.

Одатда биотехнологик жараён натижасида фойдали маҳсулот (амалиётда ишлатиладиган) олинади. Масалан метаннинг микроорганизмлар ёрдамида оксидланишида метаннинг концентрациясини хавфсизлик даражасига туширишдан иборат. Лекин бу реакцияда ҳам амалиётда ишлатиладиган маҳсулотлар чиқади.



**Муҳандисли энзимология** – яқка ҳолда ёки тирик хужайралар таркибда ферментларнинг каталитик функциясини фойдали маҳсулот олиш учун фойдаланадиган биотехнологиянинг соҳаси.

Бунда биообъект – фермент (ёки ферментлар комплекси). Амалиётда одатда иммобилланган ферментлар фойдаланилади, уларнинг ёрдамида ферментлик кучи барқарорланади ва ўзайтирилади. Баъзан муҳандислик энзимологияни биотехнологияга ўхшатилади, чунки ҳамма реакциялар хужайраларда ферментлар ёрдамида катализланади.

Адабиётларда биотехнологик жараёнларнинг бошқа номларини учратиш мумкин, масалан, “Ҳайвон хужайрасининг биотехнологияси”, “Ферментация ва биомуҳандислик”, “Саноат микробиологияси”, “Қишлоқ хўжалик биотехнологияси”, “Биокимёвий муҳандислик” ва бошқалар. Ҳар бир ўсимлик, ҳайвон турларининг биотехнологияси ҳақида кўп айтиш мумкин. Шунинг учун биотехнологияни микробли, ўсимлик ёки фитобиотехнология, ҳайвонот ёки зообиотехнологияга ўз ичига одам хужайрасига оид жараёнлар кирадиган гуруҳларга бўлиш қулай бўларди.

Келтирилган схемадан кўриниб турибдики, кўп жараёнлар микроб биотехнологиясига тегишли. Кўпчилик микроорганизмлар ўсимлик ва ҳайвон объектларига қараганда кўпайиш тезлиги, ўзгариб турувчи яшаш муҳитига чидамли ва тез ўрганувчи кўрсаткичлари билан кўп афзалликларга эга.

## БИОТЕХНОЛОГИЯ

<i>Микробиотехнология</i>	<i>Фитобиотехнология</i>	<i>Зообиотехнология</i>
<i>Енгил, озиқ-овқат, тиббиёт, Кимё саноатларида, металлургияда, нефтни қайта ишлаш саноатида, сув хўжалигида, атроф-муҳит муҳофазасида, энергетика соҳасида, косметик воситалар ишлаб чиқаришида</i>	<i>Агросаноат комплексиди, тиббиёт ва косметик воситалар ишлаб чиқариш саноатида</i>	<i>Чорвачиликда, тиббиёт саноатида, озиқ овқат саноатида</i>

Қандай асосий мақсад ва масалалар биотехнологлар олдида турибди? Биринчидан – хужайрад алмашиш йўллари фаоллаш ва

ёрдам бериб, бунинг ёрдамида ўстирилаётган организмда бошқа реакцияларни камайтириб, керакли маҳсулотларни йиғиш. Иккинчидан – хужайрани ва унинг таркибидаги моддаларни мураккаб молекулаларни ўзгартириш учун олиш. Учунчидан - рДНК – биотехнологияни ва хужайра муҳандислигини янги натижалар олиш учун чуқурлаштириш ва замонавийлаштириш. Тўртинчидан – чиқиндисиз ва экологик тоза биотехнологик жараёнларни яратиш. Бешинчидан – биотехнологик жараёнларда ишлатиладиган жиҳозларни замонавийлаштириш. Олтинчидан – биотехнологик жараёнларнинг техник – иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш.

Генотехник даврга – фундаментал асосига қаратилган кучли жараёнларнинг аниқлашларини ишлаб чиқиш. (антибиотиклар, аминокислоталар, ферментлар, витаминларнинг продуцентлари билан). Суперпродуцентлар олиш, кучли генетик маълумотга эга бўлган продуцентлар олиш (масалан, *Pseudomonas olruginosa* хужайрадаги одамнинг интерферон гени), табиатда олдин бўлмаган.

### **1.1. Биотехнологиянинг объектлари ва усуллари**

Вируслар, бактериялар, замбуруғ-микромителлар ва макромителлар, протозой организмлари, ўсимликлари, ҳайвонлар ва одам хужайралари (тўқималари), баъзи биоген ҳамда вазифасига кўра уларга ўхшаш моддалар (масалан ферментлар, простагландинлар, лектинлар, нуклеин кислоталар ва ҳакозолар) биотехнологиянинг объектлари ҳисобланади. Демак бу, уюшган зарралар (вируслар), хужайралар (тўқималар) ёки уларнинг метаболитлари (бирламчи, иккиламчи) биотехнологиянинг объекти бўлиши мумкин. Ҳатто биомолекуладан биотехнологиянинг объекти сифатида фойдаланилганда унинг илк биосинтези аксарият ҳолларда тегишли хужайралар билан амалга оширилади. Шу муносабат билан биотехнологиянинг объектлари ёхуд микробларга, ёхуд ўсимлик ва ҳайвон организмларига таалуқли дэса бўлади. Ўз навбатида организмни қиёсий равишда иқтисодий, мураккаб, ихчам, ўз-ўзини бошқарадиган, яъни аниқ мақсадга йўналтирилган, барча зарур



Ўлчамлар энг мақбул ҳолатда ушланганида барқарор ва фаол кечадиган биохимик ишлаб чиқариш сифатида тавсифлаш мумкин. Мазкур таърифдан шу нарса келиб чиқадики, вируслар организм ҳисобланмайди, аммо ирсият молекулаларнинг мазмуни, мослашувчанлиги, ўзгарувчанлиги ва бошқа айрим хусусиятларига кўра жонли табиат вакиллари сирасига киради.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган чизмадан кўриниб турибдики, биотехнология объектлари ғоят даражада ранг-баранг, уларнинг кўлами уюшган зарралардан (вируслардан) (1-расм) одамгача ўз ичига олади.

Вируслар жонли ва жонсиз табиат ўртасидаги ўринни эгаллайди, уларнинг ядроси йўқ, ваҳоланки ядроли ирсият материали-рибонуклеин кислотаси (РНК) ёки дезоксирибонуклеин кислота (ДНК) си мавжуд.

Хужайралардан таркиб топган микроблардан фарқли равишда вирус зарраларида РНК ва ДНК ҳеч қачон биргаликда мавжуд бўлмайди.

Бундан шу нарса келиб чиқадики, “биологик технология ёки биотехнология” ва “биокимёвий технология” номлари бир маънони англатади, чунки техникада ва саноат ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган биологик жараёнлар биокимёвий асосга эга.


Хозирги вақтда биотехнологиянинг аксарият объектлари уч авлодга (ядросиз, ядродан аввалги ва ядроли) ҳамда беш бўлимга (вируслар, бактериялар, замбуруғлар, ўсимликлар ва ҳайвонларга) таалуқли микроблар ташқи л этади. Айни вақтда дастлабки икки авлод фақат микроблардан иборат бўлгани ҳолда, учинчиси аксарият ўсимликлар ва ҳайвонлардан иборат.

Ўсимликлар орасида микроскопик сув ўтлари (Algae), ҳайвонлар орасида эса – микроскопик содда (Protozoa) микроб ҳисобланади. Эукариотлардан замбуруғлар ва маълум чёкинишлар билан микроскопик замбуруғлар ва микроскопик сув ўтларининг ёки замбуруғлар ва цианобактерияларнинг табиий симбиотик уюшмаси ҳисобланувчи лишайниклар микроблар сирасига киради.

XIX асрнинг биринчи ярмида биологиянинг энг асосий умумлашмаларидан бири – хужайралар назарияси (М.Шлейден, Т.Шванн, Р.Вирхов) ишлаб чиқилди, уни ҳамма эътироф этди. Айнан шу назария цитология (юнонча *kitos*-бўшлиқ) фанининг пойдевори бўлиб ҳисобланади. Биотехнологиянинг барча объектлари орасидан фақат вируслар, вироидлар ва биомолекулалар хужайрали тўзилишга эга эмас. Аммо хужайралардаги вируслар ўзларини мавжудотлардек тутишади – улар кўпаяди ва уларнинг генетик материали асосан келиб чиқиши ҳар қандай бўлган хужайраларга хос умумий қонунлар бўйича фаолият юритади. Цитологик тадқиқотларнинг усуллари ва техникаси такомиллашиб боргани сари олимлар уюшган зарралар ва хужайралар мазмун-моҳиятига чуқар кириб боришмоқда, бунинг натижасида эса барча жонли мавжудотларнинг уч авлодга *Acaryotae* – ядросиз, *Procaryotae* – ядродан аввалги ва *Eucaryotae* – ядролига (юнонча *a* – йўқ, *pro*-гача, *eu*-яхши, *tūlik*, *saуoh*-ядро сўзидан) таалуқлигини асослаш имкони бўлмоқда. Биринчисига уюшган зарралар – вируслар ва вироидлар, иккинчисига – бактериялар, учинсига бошқа ҳамма организмлар (замбуруғлар, сув ўтлари, ўсимликлар, ҳайвонлар) киради.

Барча авлодларнинг вакиллари генетик материалга эга бўлишига карамай, турли акариотлар нуклеин кислота турларидан бирортаси РНК ёки ДНК дан маҳрумдирлар. Улар жонли хужайрадан ташқари фаолият юритишга (шу жумладан репликацияга) қодир эмас, яъни уларни ядросиз деб аташ тўғри бўлади.

Бактериялар хужайрали тўзилишга эга уларда ҳар икки турдаги нуклеин кислотаси – РНК ва ДНК мавжуд, улардан ДНК ёлғиз (ҳалқасимон) хромосома кўринишидадир. Уларнинг аксарияти озиқа муҳитларда (организмдан ташқарида) кўпаяди, агарда бактериялар орасида шартсиз (облигат), мазкур аломат бўйича вирусларга (хламидиялар, спироплазмалар, риккетсияларга) яқинлашувчи паразитлар мавжуд бўлса ҳам, уларнинг паразитлиги ўз механизми билан фарқ қилади – уни хужайрали деб аташ мумкин. Вирусларнинг паразитлиги генетик даражада ривожланади. Бу демак, бактериялар – вазибаларига кўра, шу жумладан генетик жиҳатдан бир-бирига



боғлиқ тўзилмалардан иборат. Бактерияли хужайранинг генетик тўзилмалари тўлақонли фаолият кўрсатишига қарамай, улар чегараланган ядро шаклида гуруҳланмаган, шунинг учун бактериялар ядродан аввалги (прокариотик) организмлар сирасига киритилган.

Замбуруғлар, сув ўтлари, ўсимликлар ва ҳайвон хужайралари ҳақиқий, цитоплазмадан чегараланган ядрога эга, шунинг учун уларни эукариотлар сирасига киритишади.

### 1.1.1.Вируслар

Микроблар орасида вируслар хажмининг ғоятда кичиклиги – улар нанометрларда (нм) ўлчанади ва ички паразитлик билан тавсифланади. Сўнги аломат уларнинг бактериялар ёки бактериофаглар вируси, ўсимликлар вируси ва ҳайвонлар вируси сифатида таснифланишига асос қилиб олинган. Шунингдек замбуруғлар вируслари ҳам мавжуд. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, вируслар тўзилишига кўра нуклеин кислотанинг у ёки бу кўринишига (РНК ёки ДНК га) эга, ўз алмашув моддаси бўлмаган, аммо хўжайин-организм хужайраларида репликацияга ёки унинг геноми билан интеграллашга қодир уюшган зарралардан иборат бўлиб, айни вақтда “яширин равишда ҳаёт кечиради”. Вирус заррасининг уюшганлиги деганда, у ёки бу вирусга хос бўлган тўзилма қисмларининг, организмдан ташқарида яшайдиган – вирионларнинг ўзига хос тўзилиши ёки архитектураси (юнонча *archi*-бошланғич, асосий, биринчи, *tekton*-моҳир, уста сўзларидан олинган) назарда тутилади. Ҳар бир вирион соф кўринишда нуклеин кислотаси ва оксилдан таркиб топган, бир-бири билан ковалент алоқалар билан боғланмаган чинакам кристалдан иборат бўлади. “Вирион” тушунчаси тегилмаган (юнонча *intactus*-тегилмаган, шикастланмаган сўзидан), инфекцияга ёки касаллик кўзғатишга (лотинча *infectiosus*-юқумли сўзидан) қодир заррачага тушунилади.

Нуклеин кислоталар – вируслар ирсияти моддасидир. Нуклеин кислотаси турига кўра уларни РНК бор вирусларга ва ДНК бор вирусларга ажралади. Биринчисига –ўсимликларнинг барча вирусларини, иккинчисига – бактериофагларнинг аксариятини, одам

ва ҳайвоннинг қатор вирусларини (аденовируслар, учук вирусларини, чечак вакциналарини ва бошқаларини) киритишади.

Оқсил нуклеин кислотаси вируси (геном) атрофида қобик кўринишида таркиб топади ва капсид деб номланади. Вирион шакли унинг капсиди билан белгиланади. Капсид нуклеин кислотаси билан биргаликда нуклеокапсидни ташкил этади.

Вирусларнинг тахминий рўйхати умуртқалилар вирусларининг 17 оиласини ва умуртқасиз ҳайвонлар вирусларининг 7 оиласини, бактериялар вирусларининг 10 оиласини ўз ичига олади. Ўсимликлар вирусларининг 20 гуруҳи ва замбуруғ вирусларининг 5 гуруҳи тавсифланган. Вирусларнинг таснифий гуруҳларга бўлиниши ҳали тугалланмаган бўлиб, уларни янги турлари очилмоқда (бунга эбола вируслари, одам иммун танқислиги-ОИТВ вируси, нотипик зотилжам вируси мисол бўла олади). Юқумли контогиоз моллюск вируси, чечак, учук, бактериялар аксарият фағларининг вируслари ДНКси бор вирусларнинг; ўсимликлар вируслари, одам гриппи, қутуриш, полиомиелит ва бошқа вируслари РНК си бор вирусларнинг вакиллари ҳисобланади.

**1.1.1.1. Вироидлар.** 1971 йилда Т.О.Динер (АҚШ) картошка тугунаклари урчуксимонлиги субвирусли касаллик қўзғатувчисини (патогенини) биринчи мартаба тавсифлади, уни вироид деб номлади. 1984 йилга келиб вироидлар келтириб чиқаридиган деҳқончилик экинларининг (шу жумладан – дон экинларининг) 10 касаллиги маълум бўлди. Молекуляр тўзилиши бўйича вироидлар бир занжирли, ковалент ёпиқ, ҳалқасимон, капсидлари бўлмаган РНК молекулаларидан иборат. Бундай РНКларда нуклеотидлар сони 240-400 атрофида бўлади. Вироидлар шаклига кўра чизикли ва ҳалқасимон бўлиши мумкин, улар ҳар хил занжирли конформацияни (лотинча quasi-гўёки, бамисоли, хатто, яқин, konformatio-шакл, жойлашиш сўзларидан) қабул қилишга қодир бўлади. Вироиднинг ҳар бир тури, масалан ВВКК ёки цитрус экинлари экзокортисининг вироиди таркибида ноёб, фақат унинг ўзига хос қуйи молекулали РНКнинг алоҳида тури бор. Вироидларнинг катталиги 15 нм атрофида бўлади. Хўжайин-ўсимликларнинг сезгир хужайраларида



улар оксил-нуклеин мажмуи кўринишида ядрочага бирлашиб, ядрога тупланadi ва хўжайиннинг аввалги ёки фаоллаштирилган ферментлари ёрдамида мустақил, яхлит ҳолда репликация қилади. Вироидлар трансляция қилмайди! Бу уларнинг ўзаро таркибий ўхшашлиги ва қатор виroidларда ташаббускор-кодонлар йўқлиги билан тасдиқланади. Айна вақтда виroidли РНКларнинг полимераз РНКлар иштирокида РНК матрицалар билан изчиллиги транскрипцияси туфайли репликацияси рўй беради.





2-расм. T2(A) бактериофаги: 1-бошчани қоплаб турувчи капсомерлар, 2-ёкача, 3-буйин, 4-говак стержень, 5-филоф, 6-иплар, 7-икосаэдрик бошча; Б мандсникутлари (а-д): галобактериялар (а), метанобактериялар (б), вегетатив шакллар (в) ва ҳаракатсиз шакллар (г); термоацидофиллар (д); тенерикутлар (е); микоплазмалар (ж), спироплазмалар (з).

**1.1.2. Бактериялар.** хужайра тўзилишига эга мавжудотлар бўлиб, уларда ядро материали цитоплазмадан оддий мембраналар билан ажратилмаган ҳамда у ёки бу асосий оқсиллар билан боғланмаган.

Улардаги мунтазам тақсимланмаган рибосомали (70 S туридаги) цитоплазма ҳаракатсиз, хужайралар эндо- ва экзоцитоз қобилиятига эга эмас. Бактериялар кўпинча бир хужайрали бўлади, энг кичигининг диаметри 0,2—10,0 мкм атрофида.

Барча бактериялар ягона *Bakteria* авлодини ташқи л этади, ваҳоланки улардан бири археобактериялар (*Archeobakteria*) бошқаси эубактериялар (*Eubacteria*-юнонча еу-яхши) деб номланувчи бактериялардан сезиларли фарқ қилади. Шу нарса маълумки, археобактериялар эубактерияларга қараганда прокариотларнинг нисбатан кўҳна вакили ҳисобланади. Улар экстремал шароитга (лотинча *extremus*-охирги сўздан)-анорганик тўзлар концентрацияси баланд бўлганда, ҳарорат юқори даражада, углерод оксиди ва диоксиди-углероднинг ягона манбаи бўлган муҳитларда яшайди. Галобактериялар, термоацидофил бактериялар ва метан ҳосил қилувчи ёки метаноген бактериялар археобактериялар қаторига киради. (1Б расми). Прокариотларнинг (шажараси) дендрограммаси (юнонча *dendron*-дарахт, *gramma* –тавсиф сўзларидан олинган) қуйидаги тарзда тасвирланиши мумкин:

Галофил	Термоацидофил	Метаноген	Фототроф	Хамотроф
бактериялар	бактериялар	бактериялар	бактериялар	бактериялар



Оксиген цианобактериялар, аноксиген кўнғир ва яшил бактериялар фототроф бактериялар ҳисобланади; граммусбат ва грамманфий бактериялар ҳамда бациллалар, миксобактериялар, пояли ва куртакланувчи бактериялар, вибрионлар, спираллалар,



спирохедлар, актиномицетлар, коринебактериялар, микобактериялар, риккетсиялар, хламидиялар, микоплазмалар ва спироплазмалар – хемотроф бактериялар ҳисобланади.

Галобактериялар *Haloarcula*, *Halobacterium*, *Halococcus*, *Natrobacterium*, *Natrococcus* оилаларини ўз ичига олади. Улар денгиз тўз конларида бўлади (улар учун натрий хлориднинг энг мўтадил миқдори 3,5-5М). Термоацидофил бактериялар нордон иссиқ булоқларда рН 2-3 ва ҳарорат цельсий бўйича 70-90 даража бўлганида (*Sulfolobus acidocaldarius*), кўмир шахталарининг ўз-ўзини иситадиган терриконларида рН 1-2 ва ҳарорат цельсий бўйича 59 даража бўлганида (*Thermoplasma acidophilum*), денгиз тубидаги ва вулкон этакларидаги қайноқ булоқларда ҳарорат цельсий бўйича 85-105 даража бўлганида яшайди (*Thermoproteus tenax*, *T. neutrophilus*) ва бошқалар.

Коклар (*Methanococcus vannielii*), сарцинлар (*Methanosarcina bacteri*), таёкчалар (*Methanobacterium formicicum*, *Methanobrevibacter ruminantium*), спираллалар (*Methanospirillum hungatei*) ва бошқа кўринишларни ўз ичига олган метаноген бактериялар анаэроб микроорганизмлар ҳисобланади. Улар шаҳар ва аҳоли пунктларининг оқава сув тиндиргичларида, гўнгда, ҳовўз ва кўлларнинг тубидаги қуйқаларда, шוליпоярларда, лиман ва эстуарияларда (лотинча *aestuarium*-сув сатҳи кўтарилганида сув босадиган сохил) кавш қайтарадиган ҳайвонларнинг катта қоринларида яшайди. Яшаш муҳити инобатга олинандиган бўлса, уларнинг ҳароратга кенг доирада мослаша олиши табиийдир. Шунга қарамай, масалан кавш қайтарадиган ҳайвонлар катта қорин ҳарорат анчагина бир тёкис бўлади.

Д.Х.Бергининг (1984,1986) аниқлагичига кўра археобактериялар мендосикутлпр бўлимига, бошқа ҳамма бактериялар ёки зубактериялар, грациликутлар, фирмикутлар ватенерикутлар (лотинча *mendosus*-сохта, қалбаки, *gracilis*-сарвқомат, нозик, *firmus*-мустаҳкам, *tener*-сезгир, нозик, *cutis*-тери) бўлиmlарига тегишлиги маълум бўлди.

Грациликутлар грамманфий бактерияларни икки қатламли хужайра девори билан бирлаштиради (одатда улар хужайра деворининг сиртки қатламида фосфолипид мембранага эга бўлади). Улар хужайраларининг шакли ҳар хил шар шаклидан таёқча шаклгача, тўғри шаклдан эгри-бугри (кинғир) шаклгача бўлади; улар ҳаракатчан ёки ҳаракатсиз бўлади; эндоспораларни ҳосил қилмайди, бўлиниш йўли билан (баъзилари куртаклиниш йўли билан) кўпаяди; аксарияти пиляларга (соч толалари ёки фимбрияларга) эга. Овқатланиш тарзига кўра фототрофлар (шу жумладан цианобактериялар) ва хемотрофлар; нафас олишига кўра – аэроблар, анаэроблар, факультатив анаэроблар; патогенлиги бўйича сапрофитлар ва паразитлар грациликутлар сирасига киради.

Кўп қатламли муреин қобиғли микроорганизмлар фирмикутлар сирасига киради. Уларнинг ҳаммаси граммусбат, споралар ҳосил қилувчи ёки споралар ҳосил қилмайдиган; актиномицетлар ва улар билан турдош бактериялар ҳам шулар қаторига киради. Хужайраларининг шакли ҳар хил – думалоқ, таёқчасимон, шохланувчи, ипсимон, шохланмайдиган. Озиқланиш тарзига кўра – аксарияти хемогетеротрофлар, нафас олиш тарзига кўра – аэроблар, анаэроблар ва микроаэрофиллар, патогенлар ва сапрофитлар.

Микоплазмалар ва спироплазмалар (юнонча *mykes*-замбуруғ, *plasma*-ёпишқоқ, қайишқоқ, *spreiga*-жингалак, спираль, ҳалқа сўзларидан) тенерикутлар гуруҳига киради. (1 – (Б) расм). Улар гоятда майда, хужайра девори бўлмаган, Mollicutes (лотинча *molis*-юшқоқ сўзидан) синфига гуруҳланган эркин яшовчи полиморф бактериялар. Улар куртак отиш, бўлиниш шохланган тўзилмаларнинг сегментацияси йўли билан кўпаяди; цитоплазматик мембрана уч қатламли; микоплазмаларнинг барча маълум турлари патогендир. Уларнинг ўзунлиги 0,15-0,25 мкм, ваҳоланки полиформизм хужайралар ўзунлиги бўйича анчагина кенг. Микоплазмалар пенициллингга тўла барқарор, махсус аралашган муҳитларда ривожланади.

Ягона юқорида кўриб чиқилган, бошқа микроорганизмлардан анчагина фарқ қиладиган археобактериялар синфи мендосикутлар гуруҳига киради.

Бактерияларнинг мини ва макси деб номланувчи хужайралари, жумладан, *E.coli* ҳам маълум, шу нарса аниқланганки, ичак таёқчасининг икки мутацияни (*min A min B*) ташувчи хужайралари ассиметрик равишда бўлинади ва ҳар иккинчи бўлинишида думалок, ядросиз мини – хужайра (хажмига кўра оталиқ хужайрасидан тахминан уч баробар кичик) ҳосил бўлади. *Rec A uvr A* генларида мутация репарация асосий тизимларининг инактивацияси ва хужайраларнинг ультрабинафша нурларга сезгирлиги жиддий равишда ошиши билан кўзатилади. Айни вақтда *E.coli* хужайралари (макси хужайра) хажмида катталашади. Мини ва макси хужайралардан ген муҳандислик тажрибаларини ўтказиш вақтида кўп нусхали плазмидларни жалб этиши учун фойдаланилади. Бактериялар энергия, углерод манбалари ва электронларнинг донорларига кўра гуруҳларга бўлинади, шу боис уларнинг ҳар бирига хос вакилларни ажратиш мумкин. Жумладан, циано-бактерияларни биринчи кичик гуруҳга, яшил несер бактерияларни-иккинчи, нитрифицирланувчи бактерияларни-учинчи, водород бактерияларни-тўртинчи ва ниҳоят бациллаларни ва бошқа микроорганизмларни-бешинчи кичик гуруҳга киритишади. Қиёслаш учун шуни кўрсатиб ўтиш керакки, эукариотлардан бўлган ачитқи ва ипсимон замбуруғларни ҳам хемегетероорганотрофлар гуруҳига киритишади.

Дарсликларда ва илмий адабиётларда шунингдек прототроф, метатроф, паратроф, миксотроф атамаларнинг ҳаммаси XX аср бошларида бактериялар озикланиш тарзига кўра гуруҳларга бўлиниши муносабати билан таклиф қилинган эди. Жумладан, А.Фишер 1903 йилда овқатланиш учун тайёр органик моддаларга муҳтож бўлмаган прототрофларни (В.Пфефер бўйича автотрофларни), органик моддага муҳтож метатрофларни (В.Пфефер бўйича гетеротрофларни)-бу сапрофит микроорганизмларнинг аксарияти, жонли оқсил билан озикланадиган ва фақат бошқа мавжудотларнинг организмида яшайдиган паратрофларни уларнинг

ҳаммаси облигат касаллик қўзғатувчи микроблар бир-биридан фарқлашни таклиф қилди; пробиркада (*in vitro*) тўйинтирувчи муҳитда ва сезгир ҳайвон (*in vivo*) организмда яшаши мумкин бўлган турлари В.Пфефер томонидан миксотрофлар (лотинча *mixtus*-аралаш сўзидан) деб номланган эди.

Келтирилган номлар (прототрофлар, метатрофлар ва миксотрофлар) ҳозир кўпроқ тарихий маънога эга. 1946 йилда микробларни озиқланиш усули бўйича таснифлаш ёки трофиклар таклиф қилинди, улардан ҳозир ҳам фойдаланилади.

Микроорганизмларнинг жонли оқсил билан озиқланиш *in vitro* ёки кўпроқ *in vivo* қобилиятлари тавсифига нисбатан патогенлик (юнонча *pathos*-касаллик, *genesis*-вужудга келиш, келиб чиқиш сўзларидан) атамасидан, яъни касалликни келтириб чиқариш қобилиятидан фойдаланишади. Шунинг учун касаллик пайдо қилиш аломати бўйича барча бактерияларни икки катта гуруҳга – сапрофитларга (касаллик пайдо қилмайдиган, лотинча *saprotecti*-чириш, чиринди) ва патоген (касаллик пайдо қилувчи)ларга бўлишади.

Уларнинг ўртасида оралиқ турлари –облигат ва факультатив (лотинча *obligatus*-мажбурий, шарт бўлган, *facultativus*-факультатив, маълум шароитларда мавжуд бўлиши мумкин бўлган) паразитлар жойлашган. Масалан, захм спирохетлари, гонококлар облигат, кўк йирингли таёкча сохта протей-факультатив ҳисобланади. Бу демак, облигат ёки шартсиз паразитлар организмдан ташқарида ривожланмайди ёки табиий оқсилли тўйинтирувчи муҳитларда қийинчилик билан ривожланади; факультатив паразитлар ташқи муҳитда ўсади ва кўпаяди, аммо айрим шароитларда (масалан макроорганизмнинг ҳимоя кучлари пасайганида) улар юкумли касалликнинг сабаби бўлиши мумкин.

Истеъмол қиладиган энергия манбаларига кўра бир-биридан фарқ қилувчи фототроф ва хемотроф бактериялари ҳам жиддий фарқ қилади. Ҳар қандай ҳолда ҳам, бактериялар турларининг ранг-баранглиги шу қадар кўп сонлики, уларнинг ҳатто биотехнология мақсадларида фойдаланиладиган озгина улуши ўзига алоҳида



эйтиборни талаб қилади. Биообъектлар морфо-физиологик хусусиятлари барқарорлигини ва тегишли шароитларда махсулдорлигини сақлаб қолиш учун ҳар бир биобъектга эҳтиёткорона (айтиш мумкин-меҳр билан) муносабатда бўлиш гоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушуниш учун микроорганизмдан олисда турувчи зубактериялар орасидан актинопланлар гуруҳига мансуб *Mikromonospora* sp ни, водород бактериялари гуруҳига мансуб *Hydrogenomonas (Alcaligenes) entrophia* ни, нурланувчи бактериялар мансуб *Lucibacterium* ни, сил касаллиги таёқчаси-*Mycobacterium tuberculosis* ни, баъзи псевдомонасларни (масалан *Pseudomonas aeruginosa* ни), эшерихияларни (*Escherichia coli*) ва бошқа кўпгина бактерияларни айтиб ўтишнинг ўзи етарли.

**1.1.3. Замбуруғлар.** Микромицетлар, яъни микроскопик замбуруғлар (масалан ачитқилар, пенициллар, аспергиллар ва бошқалар) ва ўзининг ўсиш ҳамда ривожланиш жараёнида кўз билан кўзатиш мумкин бўлган меваларни – тут мевасини, агарик замбуруғларни ва ҳакозоларни шакллантирувчи макромицетлар қуйи зукариотлар – *Mycota* бўлимига таалуқли.

Шуниси диққатга сазоворки, замбуруғлар ўсимликларга ҳам (уч қисмдан ёки апикал ўсиши, мустаҳкам хужайра девори, уларнинг аксариятида вакуоллар ва қўндаланг пардалар мавжудлиги билан) ҳайвонларга ҳам (озикланишнинг гетеротроф тарзи, витаминларга кўп ёки оз эҳтиёж сезиши, хитин ёки хитозан мавжудлиги, гликоген синтези билан) ўхшаб кетади. Демак, замбуруғлар илгарирок ўсимликлар ва ҳайвонлар мустақил бўлимга ажралишидан олдин пайдо бўлган. Айни вақтда мицелиал тўзилиш ва бунинг оқибати сифатида озиқланишнинг абсорбцион усули (осмотрофия) фақат замбуруғларга хос, дикариозис (бир хужайрада бир вақтда бўлинишга кодир ва диплоид ядрони имитация қилувчи ички ядронинг алоҳида-алоҳида мавжудлиги) ва гемерокариозис (бир хужайрада турли сифатга эга ядроларнинг мавжудлиги) ходисалари уларга хосдир.

Замбуруғларнинг асосий таксономик (юнонча *taxis*-тартибга солиш, жойлаштириш, *potos*-қонун сўзларидан) гуруҳлари нисбатан барқарор ҳисобланади, аммо турли муаллифлар таклиф қиладиган

тасниф чизмалари ғоятда кўп сонли, баъзан бир-биридан жиддий фарқ қилади. Шу муносабат билан қуйидаги чизмага амал қилиш мақсадга мувоқиқ бўлиб, илмий жиҳатдан ўзини оқлайди. Замбуруғлар туркуми икки бўлимни – *Mucomycota* ва *Eumycota*, яъни шилликурт замбуруғларни (юнонча туха-шиллик сўзидан) ва ҳақиқий замбуруғларни (юнонча еи-яхши, типик, яхши ривожланган маъносида) ўз ичига олади. Улардан биринчиси камсонли бўлиб, “ялонғоч” плазма массаси-плазмодийдан иборат. Улар ўзига хос ривожланиш босқичини бошдан кечиришмоқда ва жинсий аттрактантларни (лотинча attraction-жалб қил, тортиш сўзларидан) ҳосил қилади.

Эумицетлар бўлими 7 синфни: *Chytridiomycetes*, *Huphoshytridiomycetes*, *Oomycetes*, *Zygomycetes*, *Ascomycetes*, *Basidiomycetes* ва *Deuteromycetes* ўз ичига олади. Хитридиевларга (юнонча chytridion-зооспоралардаги мой томчиси таркибини акс эттирувчи томчи сўзидан) замбуруғларнинг 500 дан зиёд турлари таалуқли, улар асосан плазмодиал уюшмалардан иборат, яъни уларда мицелий мутлақо бўлмайди, баъзан мавжуд бўлганида ҳам фақат уруғланиш ҳолатида бўлади. Зооспоралар ва планогаментлар (кўпайиш хужайралари) фақат битта орқа даррасимон (қамчисимон) қивчинга эга, бу маълум таксономик аҳамият касб этади.

**Гифохитридиевлар** битта олдинги даррасимон қивчини бор зооспораларга эга бўлиб, уларнинг иплари тўсикқа эга эмас, бу синфга кўп сонли бўлмаган турлар киради.

**Оомицетлар** ҳам 500 дан зиёд турларни ўз ичига олади. Оогамия-жинсий жараён асосида бирлашувчи сув замбуруғлари шулар жумласидандир. Уларнинг жинси бўлмаган зооспоралари икки хил қивчинга эга, улардан бири-олдинги ялтироғи (ялтироқ кўринишга эга, патли), иккинчиси-орқа даррасимон.


**Зигомицетлар** 500 дан зиёд турларни ўз ичига олган бўлиб, ривожланиш цикларида ҳаракатчан босқичларни тўлиқ йўқотган. Уларда жинсий жараён зигогамия кўринишида. Мицелий, одатда яхши ривожланган ва асосан тўсиксиз бўлади.

Кўпинча ватанимиздаги ва хориждаги дарсликлар ва илмий адабиётларда ҳамма замбуруғларни кўпроқ сув замбуруғларини (шу жумладан “қурукликка чиққан” зигомицетларни ҳам) бир *Phycomycetes* (юнонча *phycos*-сув ўтлари) синфига бирлаштиришади. Барча сув замбуруғлари мицелийдан маҳрум ёки у уруғланиш ёхуд ривожланган ҳолатда бўлади, аммо тўсиқ (септ)ларга эга эмас ёки улар сийрак бўлади. Бундай замбуруғларни қуйи замбуруғлар сирасига киритишади. Мицелияда тўсиғи бор ипсимон замбуруғларни олийлар қаторига киритишади. Бу ташувчини мукаммал ва мукаммал бўлмаган замбуруғлар тушунчаси билан чалкаштириб бўлмайди, шулардан биринчиси кўпайишнинг жинсий жараёнига эга, иккинчиси бу хусусиятга эга эмас. Масалан *Mucorrouxii* қуйи мукаммал замбуруғ ҳисобланади, мисол учун *Stilbella aurantica* олий мукаммал бўлмаган замбуруғ ҳисобланади.

Бу демак, аксомицетларни ёки қопчиқли замбуруғларни; базидомицетларни ёки базидиал замбуруғларни ҳамда дейтеромицетларни ёки мукаммал бўлмаган замбуруғларни (*Fungi imperfecti*) олий замбуруғлар сирасига киритишади.

**Ҳалтали замбуруғлар** гоаят даражада кенг синф бўлиб, зиёд тўзилиши, шакли ва яшаш муҳити ҳар хил бўлган 15000 дан зиёд турларни ўз ичига олади. Жинсий жараён натижасида аскоген гифларда ҳосил бўлувчи қопчалар уларнинг ўзига хос белгиси ҳисобланади. Қопчаларда жинсий споралар шаклланади, улар ана шу споралар ёрдамида кўпаяди. Кўпинча 8 спора ҳосил бўлади, лекин ана шу қоидадан истисно бўлиб туради. Уларда мицелий септирлашган (лотинча *septum*-тўсиқли сўзидан), септаларда марказий ковакчалар мавжуд, улар ҳужайралар ўртасидаги алоқани ва ҳужайралар таркиби алмашинувини таъминлайди.

## Чизмадаги ёзувлар




3-расм. *Pyroneta species* мисолида аскомицетларнинг ривожланиш цикли тасвирланган: 1-мицелии, 2-гиплоидли мицелийда ҳосил бўлувчи конидиялар, 3-(+) ва (-) қушилиш турлари (эркаклар ва аёлларга тегишли), 4-аскоген гифлар (а-д), 5-спорали қопқичлар, 6-аскоспоралар.

Қопчалар серпушт таналарни ҳосил қилади, улар ёпик (клеистотециялар ёки клейстокарпиялар, лотинча *cleistos-ёпила* оладиган, бирлашадиган, *steke-капсула*, қопқоқча, *carpos-мева*), поксимон устида ғовак ости толаси бор перитециялар (юнонча *peri-атрофида* сўзидан) ликопчасимон ёки косасимон апотецияли (юнонча *бартараф* этиш ёки ажратиш маъносига эга аро олд қўшимчасидан) очик бўлиши мумкин. Қопчали замбуруғларга гаплоид мицелийда ҳосил бўлувчи конидийлар ёрдамида жинсиз урчиш ҳам хос. Бу демак, аскомицетларнинг ривожланиш циклида жинсий ва жинсиз даврлар мавжуд.

**Базидиал замбуруғлар.** Ҳисобларга қараганда базидимицетларнинг (юнонча *basis* асос сўзидан) тўзилиши, шакли ва ҳажмининг ғоятда ранг баранглиги билан фарқланувчи 30000 дан зиёд турлари мавжуд.



Ривожланишнинг жинсий ва жинсиз даврлари базидиомицетлар учун ҳам хос. Улардан биринчиси базидия – урчиш органи шаклланиши билан ниҳоясига етади, шу органда, одатда стеригмаларда ўтирувчи 4 тадан споралар (базидиоспоралар) ҳосил бўлади. Жинсиз давр-қисқа муддатли, у спораларнинг ўсиб чиқувчи найчалари ва кейинчалик дикариод мицелийдан ташқи л топади. Ана шу мицелийдан мевали тана – базидиокарп вужудга келади, кейинчалик унда базидиялар ҳосил бўлади. Аксарият базидиомицетларга мицелияларда ҳосил бўлувчи ва ядроларнинг синхрон бўлиниш жараёнида иштирок этадиган тўқалар (4-расм) ва мицелий септаларида ҳосил бўлувчи долипоралар хос.



4-расм. Базидиал замбуруғлар.

**Дейтеромицетлар** (юнонча deiteros-иккинчи сўздан) замбуруғларнинг терма синфи ҳисобланади, чунки ривожланишнинг жинсий жараёни бўлмаган микромицетларнинг барча вакиллари унинг таркибига киритилган. Башарти жинсий даври аниқланса, бу ҳолда ана шу замбуруғни дарҳол тегишли синфга ўтказишади.

Мукамал бўлмаган замбуруғларнинг бир неча минг турлари мавжуд. Яхши ривожланган септирлашган мицелий ва конидиал

(ғайрижинсий) спораларни ташиш уларга хос. Мукаммал бўлмаган замбуруғларда гетерокариоз ва парасексуал давр бўлиши мумкин.

**Лишайниклар.** *Lichenes* сўзидан – бу замбуруғларнинг (микобионтларнинг) ва сув ўтларининг (бактериобионтларнинг) табиий симбионтидир. Лишайникларни организмларнинг мустақил гуруҳига ажратишади ва махсус илмий фан – лихенология фанида ўрганишади. Ҳозирги вақтда лишайникларнинг 30 мингга яқин турлари маълум. Уларда аксарият ҳолларда аксомицетлар (камдан-кам ҳолларда-базидиомицетлар) микобионт сифатида яшил ва сарғиш-яшил сув ўтлари, цианобактериялар фикобионтлар ва бактериобонтлар сифатида намоён бўлади. Лишайникларни микобионтларига қараб номлашади. Лишайникларни шаклига кўра япроқсимон (шу жумладан-кўчманчи), бутоқсимон ва қатқалоқсимон (ўсма) турлага бўлинади. Улар ғайрижинсий (парчалар билан, конидиялар билан) ва микобионтлар ҳисобига жинсий йўл билан кўпаяди (5 расм).

Юқорида айтилган фикрлардан турли-туман моддаларни ишлаб чиқаришда фойдаланса бўладиган биобъектлар сон-саноксиз эканлиги, уларнинг аксарияти хазина изловчиларнинг бўлажак авлодлари учун қўл тегмаган хазина сифатида ётгани ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.



5-расм. Лишайниклар: 1-қатқалоқсимон ёки ўсма, 2-япроқсимон, 3-бутасимон, 4-кўчманчи.

**1.1.4. Ҷсимликлар.** Ҷсимликлар plantae бўлими багрянкалар (Rhodophyta), сув ўтлари (Phycophyta) ва олий ўсимликлар (Embryophyta) кичик бўлимларини ўз ичига олади. Шулардан иккитасида тананинг аъзолар ва тўқималарга табақаланиш йўқ – уларнинг ўрнини катта қатлам (tallus) босади, улар асосан сувда яшайди. Олий ўсимликлар танаси органларга ва тўқималарга бўлинган. Ҳозирги вақтда ўсимликларнинг бир неча юз минг тури мавжуд, уларнинг аксариятидан халқ хўжалигининг турли тармоқларида фойдаланилади. Фотосинтезга қодирлик, целлюлозанинг мавжудлиги, крахмал биосинтези ўсимликларга хосдир.

**1.1.4.1. Сув ўтлари.** Пиррофит, заррин, сарғиш-яшил, эвглен ва хароли багрянкалар сув ўтлари сирасига киради. Одатда сув ўтлари сув организмлари ҳисобланади, уларнинг 100 мингга яқин тури мавжуд. Уларнинг ҳаммаси хлорофилл, каротиноидлар, ксантофиллар, фикобилинлар ҳисобига пигментлашган. Сув ўтлари – турли полисахаридлар ва бошқа биологик фаол моддаларнинг муҳим манбаидир. Улар вегетатив равишда, жинсиз ва жинсий йўллар билан кўпаяди. Биобъект сифатида улардан кам фойдаланилади, ваҳоланки, денгиз карами номи билан маълум бўлган ламинарияни турли мамлакатларнинг саноати ишлаб чиқаради. Сув ўтларидан олинадиган агар-агар ва альгинатлар яхши маълум.

**1.1.4.2. Олий ўсимликлар хужайралари.** Олий ўсимликлар (уларнинг тахминан 300 мингга яқин тури маълум) – бу табақалашган кўп хужайралилар, аксарият қуруқлик организмларидир. Уларнинг жинсиз ва жинсий кўпайиш усуллари ботаника дарсликларида яхшигина таърифланган. Табақалашши ва ихтисослашиши жараёнида ўсимлик хужайралари (бир турли хужайралардан-оддий ва хужайраларнинг ҳар хил турларидан -мураккаб) тўқималарга гуруҳлашиб борган. Тўқималарнинг вазифасига кўра ташқи л қилувчи ёки меристем (юнонча meristos-бўлинадиган сўзидан), қопламали, ўтказувчи, механик, асосий, секреторли (ажратувчи)ларга тақсимлашади. Барча тўқималардан фақат меристематик тўқималаргина бўлиниши мумкин, бошқа барча тўқималар уларнинг

ҳисобига ташқи л топади. Бу кейинчалик биотехнология жараёнига киритилиш лозим бўлган хужайраларни олиш учун муҳимдир (муҳсул қисмга қаранг).

Ўсимликнинг бутун ҳаёти мобайнида ривожланишнинг эмбрионал босқичида сақланиб турувчи миристема хужайраларини инициация (ташаббускор) деб номлашади, бошқалари асте-сёкин табақалашади ва турли доимий тўқималарнинг хужайраларига пировард хужайраларига айланади.

Ўсимликлар топологиясига кўра меристемаларни устки ёки апикал (лотинча арекс-устки сўзидан), ёнлама ёки латериал (лотинча lateralis-ён сўзидан) ва оралик ёки интеркаляр (лотинча interkalaris-оралик, қоплама сўзидан) турларига бўлишади. (6 расм)


1902 йилда Г.Хабарландт ўсимлик хужайраларини биринчи марта экиб кўпайтириб кўришга уринди. Ўтган асрнинг ўрталарида жаҳоннинг бир қатор мамлакатларидаги манзарали ва мевали экинларни саноат кўламида ишлаб чиқариш кўпроқ ўсимликлар тўқималари ва органларини кўпайтириш усулига асосланган унга жавоб берадиган линиялар олинди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Г.Хабарландт ўсимликнинг ҳар қандай жонли хужайраси тотипотентлиги ҳақида фаразни биринчи бўлиб илгари сурди.

Тотипотентлик – бу ўсимлик соматик хужайраларининг ўз имкониятларини тўла, бутун ўсимликни ҳосил қилишга қадар рўёбга чиқариш хусусиятидир.

Ўсимликларнинг ҳар қандай тури тегишли шароитларда, айниқса ўсимлик гормонларининг индукцияловчи таъсири остида бўлинувчи хужайраларнинг ушюмаган массаси – каллусни (лотинча callus-қадок сўзидан) бериши мумкин. Кейинчалик куртаклар регенерацияси билан каллусларни оммавий равишда ишлаб чиқариш ўсимликларни кенг кўламда ишлаб чиқариш учун яради. Умуман каллаус озукали муҳитда етишадиган ўсимлик хужайрасининг асосий тури ҳисобланади. Ҳар қандай ўсимликнинг каллус тўқимаси ўзоқ вақт рекультивация қилинишга қодир. Айни вақтда бошланғич ўсимликлар (шу жумладан меристематик ўсимликлар ҳам) қайта



табакалашади ва қайта ихтисослашади, аммо бирламчи каллусни шакллантириб, бўлинишга мойил бўлади.



6-расм. Ҷсимлик меристемалари: 1-устки, 2-ёнлама, 3-оралиқ.

Каллусларни ўстиришдан ташқари суспензион экинлардаги айрим ўсимликлар хужайраларини кўпайтиришга муваффақ бўлинмоқда. Назаримизда ўсимлик хужайраларининг протопластлари ҳам муҳим биобъект ҳисобланади. Уларни олиш усуллари бактериал ва замбуруғ протопластларни олиш усулларига тўла-тўқис ўхшаб кетади. Улар билан кейинги хужайралар даражасидаги муҳандислик тажрибилари бериши мумкин бўлган қимматли натижалари билан жозибали кўринади.

**1.1.5. Ҷайвон хужайралари.** Animalia бўлимидан энг содда организмлар-protozoa ва олий Ҷайвонлар биобъект бўлиши мумкин. Бугунги кунда protozoa биотехнологияси ҳақида жуда кам нарса маълум, аммо Ҷайвонлар биотехнологиясига келганда жорий этилган ривожланган технологик жараёнлар мавжуд, хорижда тегишли

монографиялар ёзилган. Шунга қарамай ҳайвонлар эукариотик ҳужайраларининг юксак даражада табақаланиши ва ихтисослашиши шу хилдаги материаллар билан ишлаган тадқиқотчилар ва амалиёт ходимлари дуч келадиган қийинчиликларни изоҳлайди.

**Содда** (protozoa)- бу бир ҳужайрали микроскопик мавжудотлардир. Мазкур бўлимда қилсимонлар (Flagellata ва Mastigofora, лотинча flagellum-дарраа, қил, masticatus-кавш қайтариш, юнонча foros-ташиш сўзларидан), саркодали (sarcodina, юнонча sarcos-гўшт сўзидан), споровиклар (sporozoa) ва майда туклилар Ciliofora ёки Ciliata) синфларини бир-биридан фарқлашади. Соддалари табиатда кенг тарқалган, уларнинг айримлари инсон танасида яшайди. Тўзилишига кўра уларнинг ҳужайралари ҳайвон ҳужайраларини эслатади ва барча асосий таркибий элементларни (органонидлар ва қўшимчаларни) ўзида мужассам этади. Аксарият протозоалар сохта оёқчалар, қилчалар ва майда туклилар ёрдамида фаол ҳаракат қилади. Озиқланиш турига кўра улар овқатни ушлаш учун махсус тўзилмаларга эга бўлган ёки уларни фагоцитоз воситасида ютувчи гетеротрофлар ҳисобланади.

Протозоани *in vitro* шароитида кўпайтириш осон эмас, аммо маълум даражадаги сайи-ҳаракатлар билан амалга оширса бўлади. *Tytranasoma kruzii* туркумидаги “крузин” препарати ана шу организмдан биотехнологияда муваффақиятли фойдаланишга мисол бўлади.

XX асрнинг бошларида Р.Гаррисон ва А.Каррель ҳайвонлар ҳужайраларини *in vitro* шароитида кўпайтириш мумкин эканлигини аниқладилар, яъни улар ҳайвон ҳужайраларининг жонли организмдан ташқарида озукали муҳитда мустақил яшаши мумкин эканлигини исботладилар.

Ҳайвон ҳужайраларининг (масалан, ўсимлик ва бактериялардан фарқли равишда) барча хусусиятларини инобатга оладиган бўлсак, фавқулудда қийинчиликлардан қочиш учун баъзан улардан воз кечишнинг иложи бўлмайди, чунки у ёки бу маҳсулотни (моддани) фақат уларнинг ёрдамида олиш мумкин. Мисол тариқасида

моноклонал антитаналарни, трансген ҳайвонларни олиш ва ҳакозоларни эслатиб ўтиш мумкин.

Тозалик, хужайраларнинг кўпайиш ва вирус зарраларининг репродукцияси тезлиги, биомолекулалар ёки биотизларнинг фаоллиги ва барқарорлиги биотехнологик жараёнларни амалга оширишда биообъектларнинг муҳим ўлчамлари ҳисобланади.

Шуни назарда тутиш керакки, биотехнологиянинг танланган объекти учун қулай шароитларни яратишда ҳам ана шу шартлар мақбул бўлиши мумкин, масалан контаминант – микроблар ёки ифлосланувчилар (лотинча contamination-юқиш, ифлосланиш сўзидан) учун ҳам. Маданий экинлардаги ёки ҳайвон хужайраларидаги вируслар, бактериялар ва замбуруғлар контаминациялашувчи микрофлоранинг вакиллари бўлиб чиқади. Бу ҳолда контаминат – микроблар биотехнологияда ишлаб чиқаришнинг зараркунадалари сифатида намоён бўлади. Ферментлардан биокатализатор сифатида фойдаланиш вақтида оддий сапрофитни (касаллик келтириб чиқармайдиган) микрофлора билан деструкциядан муҳофаза қилинган ёки иммобилизация қилинган ҳолатда сақлаш зарурати вужудга келади, микрофлора биотехнология жараёни муҳитига ташқаридан, тизимнинг тўғри эмаслиги оқибатида тизимнинг у ёки бу қисмида герметиклик бўзилганлиги сабабли кириб қолиши мумкин.

Хужайраларнинг кўпайиш тезлиги ва вирус зарраларини насл бериши хужайра массасининг ошиб боришига ва метоболитлар ҳосил бўлишига ёки фағларга нисбатан қўллаганда, йўқолиб бораётган хужайралар массаси кўпайишига тўғри пропорционал таъсир этади. Шу маънода микроорганизмларнинг аксарият кўпчилиги ўсимлик ва ҳайвон муҳимлигини эътибордан четда қолдириш керак. Масалан, юқорида эслатиб ўтилган ёлғиз клонли организмга ёт жисмларни фақат ҳайвон хужайралари ёрдамида уларни етиштириш давомийлигини мустақил аҳамиятга эга бўлмаган тақдирдагина олиш мумкин.

Фаол ҳолатдаги биологик объектларнинг барқарорлиги - уларнинг биотехнологияда ўзоқ вақт фойдаланишга яроқли эканлигининг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

Шундай қилиб, биологик объектнинг доимий ҳолатидан қатъий назар амалиётда табиий генетик ахборотга эга, табиий уюшган зарралар (фаглар, вируслар) ва хужайралардан, ёхуд генетик ахборот сунъий равишда киритилган хужайралардан у микроорганизм, ўсимлик, ҳайвон ёки одам бўладими барча ҳолларда хужайралардан фойдаланадилар. Мисол учун хавfli полиомиелит касаллигига қарши вакцина яратиш мақсадида маймунлар буйраги хужайраларидан полиомиелит вирусини олиш жараёнини айтиб ўтиш мумкин. Шу ўринда биз вирусни жамлаб боришдан манфатдор бўлсак ҳам, уни кўпайтириш ҳайвон организми хужайраларида кечади. Ҳаракатсизлантирилган ҳолатда фойдаланилган ферментлар билан боғлиқ бошқа бир мисолни олайлик. Бу ҳолда ҳам алоҳида ажратиб қуйилган хужайралар ёки уларнинг тўқималар кўринишидаги, улардан керакли биокатализаторларни ажратиб қўйиши, ихтисослашган бирикмалари ферментлар манбаи ҳисобланади.

Биотехнологиянинг фақат унинг ўзига хос усуллари бор - биообъектларни даврий, ярим ўзлуксиз ёки ўзлуксиз тартибда кенг қўламли чуқур етиштириш; махсус шароитларда ўсимлик ва ҳайвон тўқималарининг хужайраларини ўстириш усуллари махсус асбоб-ускуналарда бажарилади. Масалан антибиотиклар, ферментлар, органик кислоталарни, баъзи витаминларни олиш жараёнида бактериялар ва замбуруғлар ферментаторларда етиштирилади (7 расм).







FIGURE 3 – INCELTECH BIOREACTOR  
SOURCE: Toro (2005)

*7-расм. Inceltech фирмасининг бактерияларни ва замбуругларни етиштириши учун мўлжалланган биореактори, (умумий кўриниши).*

Худди шундай ферментаторларда оксил-интерферон олиш учун одамнинг айрим хужайралари (бластолалар) етиштирилади. Ўсимлик хужайраларини кўпинча турғун шароитларда шиша ёки полиэтилен идишларда зичлаш (мисол учун, агарли) муҳитда етиштирилади. Ваҳоланки, ўсимлик хужайраларининг баъзи турларини махсус ферментаторларда етиштира ҳам бўлади. (8 расм).

Хайвон хужайраларининг аксариятини ҳам шиша роллерларда ёки товук эмбрионларида етиштиришади.

Биотехнологияда фойдаланиладиган бошқа усуллар, масалан, микробиологиядаги, биокимёдаги, биомуҳандисликдаги, органик кимё ва бошқа фанлардаги усуллар билан бирга умумий ҳисобланади.




8-расм. Ўсимликлар учун мулжалланган биореактор. (умумий кўриниши).

Шунга қарамай, хужайралар ва ирсият муҳандислиги усулларини алоҳида ажратиб кўрсатиш керак. Улар синов шароитларидан хусусиятлари олдиндан маълум бўлган хужайраларни яратишга муваффақ бўлишмоқда. Жумладан, картошка ва памидор хужайраларини соматик дурагайлаш (чатишма “домато” деб номланди) инсулиннинг одам ёки ҳайвон гормонлари синтези ҳақида ирсиятга доир ахборотини кейинчалик инсулиннинг полипептид занжирини етиштиришга қодир бактериялар хужайраларга (ичак таёқчасининг) кўчириш амалга оширилган. Мазкур усуллар, биринчи навбатда, ирсият-муҳандислик усуллари ҳозирги замон биотехнологиясининг замирини ташқи л этади. Бунинг устига баъзи олимлар ирсият муҳандислиги ва биотехнологияни бир-бирига тенглаштиришга интиладилар.

## 1.2. Микробиотехнология

Илмий изланишлар бўлинмалари (фанлар сингари) шартли равишда фундаментал ва амалий қисмларга (бу атамаларнинг қамров соҳаси кенг эканлигига қарамай) бўлинади. Ундан ташқари, фундаментал ва амалий изланишлар ўз ичига тегишли академик ва соҳа муассасаларининг илмий шаклланишининг истиқболли режаларини қамраб олади.

Учинчи ва тўртинчи гуруҳдан ташқари яъна битта термофил микроорганизмлар гуруҳчасига киритиш мақсадга мувофиқдир. Унинг номи супертермофил бўлиб, температура оптимуми  $105^{\circ}\text{C}$  га тенг. Яъни сувнинг қайнаш температурасидан ( $100^{\circ}\text{C}$ ) юқори. Бундай микробларга *Purodictium* ва *Purococcus* бактерия турлари қиради. *Purococcus furiosus* сув ости гидро термал қуйилишдан изоляцияланган бўлиб (Вулкано ўрта ер денгизи атрофида), температуранинг кардиналь нуқталари (minimum, optimum, maximum)  $60^{\circ}\text{C}$ ,  $105^{\circ}\text{C}$  ва  $110^{\circ}\text{C}$  га тенг (9 расм).



9-расм. Микроорганизмларнинг физикологик функциясининг ўсиш тезлиги.

Замбуруғлар орасида психрофил, мезофил ва камдан кам ҳолларда эвритермофиллар (юнонча *eurgis* – кенг) учрайди. Лекин ҳозиргача стено ва супертермофил замбуруғлар тавсифланмаган. Масалан, аспороген *Candida* ачитқилари сирасига  $-10$  дан  $+37^{\circ}\text{C}$  гача бўлган температурада яшай оладиган турлар қиради; диморф замбуруғи *Aureobasidium pullulans*  $16^{\circ}\text{C}$  дан  $30^{\circ}\text{C}$  гача бўлган ҳароратда ўсади. Спрофит замбуруғлар – биологик фаол моддаларнинг продуцентлари одатда ишлаб чиқариш шароитида  $24-26^{\circ}\text{C}$  ҳароратда етиштирилади.

Микроорганизм хужайралари муҳитнинг водород ионлари концентрацияси ўзгаришига лабиллик кўрсатади. Замбуруғлар муҳит кўрсаткичи  $\text{pH} < 7.0$  да ва бактериялар  $\text{pH} > 7.0$  да ўзларининг

физиологик фаолликларини янада ёрқинроқ намоён қилиши қонуният сифатида аввалдан маълум. Бироқ бу қонуният алоҳида (айрим) микробларнинг рН нинг маълум бир ўзгариш ораликларида ўсиш ва кўпая олиш қобилиятига эга эканлигини тавсифлаб бера олмайди. Масалан, сут кислота бактериялари кўпайиш жараёнида муҳит кислоталиги рНкЗ гача ёки ундан ҳам пастроқ даражагача ўзгартиришади. *Candida* ачитқиларининг айрим вакиллари рН 8.0-10.0 бўлган муҳитларда сезиларли lag- ва log- фазалар пролонгациясидан сўнг етарли даражада хужайра биомассасини тўплаш хоссасига эга. Шу вақтда фақатгина муҳитга адаптацияланиш (мослашиш) эмас, балки муҳит кислоталигининг ортиши юз беради.

Ачитқисимон диморф замбуруғ *Aureobasidium pullulans* рН 6.0-6.5 да яхши ривожланади, лекин рН 3.0-3.5 да экзогликан – аубазиданни ўзидан сезиларли даражада ажратади (ишлаб чиқаради).

Колония ҳосил қилувчи замбуруғлар томонидан қатор иккиламчи метаболитларнинг ҳосил қилиниши муҳитларнинг ишқорийланиши вақтида стационар ва ўлиш фазасининг чегарасида ўз аксини топади. Масалан, пенициллиннинг продукцияси рН 7.5 да кўпроқ намоён бўлгани ҳолда, *Penicillium notatum* рН 4.5 бўлганда нисбатан яхшироқ ўсади.

Ферментатив реакцияларнинг юқори тезликлари билан боғлиқ бўлган, микробларнинг учинчи устуворлигини турли микроорганизмлар алоҳида турларининг кўпайиши мисолида кўриш мумкин.

Кулай шароитли озуқа муҳитларида *E.coli* ва *Bac.subtilis* хужайралари сонининг икки марта ўсиши 20 дақиқа ичида кўзатилади; *Candida albicans* нинг суяқ суслодаги **кўпайиши** – 30 дақиқадан сўнг;

Т-фаг заррачасининг *E.coli* хужайрасига кирганидан 20 дақиқа ўтгач, 20 дан 200 гача янги фаг заррачалари пайдо бўлади ва ҳк. Албатта, дунёда шундай микроб вакиллари мавжудки, уларнинг кўпайиш вақти тезликлари кунлар билан ўлчанади. Масалан, туберкулёз микобактериялари. Ўстириш шароитлари ва ферментлар



фаоллигини ҳисобга олган ҳолда, реакциялар тезлиги кўпинча ферментлар актив марказларининг, шу марказлар томон йўналган ва уларга қарама-қарши томонга йўналган субстратлар ва моддалар диффузиясининг билвосита микро атроф-муҳитидаги реакциялар тезлиги ҳисобланади.

Микроблар қандайдир жуда кучли ва давомий бўлмаган таъсир натижасидан сўнг ўз мувозанатини тиклай оладиган, ўз-ўзини идора эта оладиган тирик тизимлар сирасига киради. Агар таъсир қилаётган куч жуда кучли ва мунтазам бўлса, у ҳолда бу организм нобуд бўлади ёки янги мувозанатлашган ҳолатга ўтади. Бу ҳол, масалан, мутаген факторлар таъсири ёки мутантларнинг пайдо бўлишида кўзатилади (“микроблар хужайраларининг биринчи устуворлиги”га қаранг). Бу ҳолда шуни айтиб ўтиш жоизки, микроорганизмлар яшашнинг ўзгарган шароитларига ўсимлик ва ҳайвонларга нисбатан осон ўрганеди ёки кўникади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, адаптив имкониятлар сапрофитларда паразит турларга нисбатан ёрқинроқ намоён бўлган. Бу ҳол паразитларга нисбатан сапрофитларда кўпроқ миқдорда ферментлар тўплами мавжудлиги билан боғлиқ, аниқроғи, ферментлар – бу бирламчи метаболитлардир, яъни охир оқибат ферментларнинг арсенали (тўплами) генотип бўйича аниқланади.

Хужайра миқёсидаги микробиотехнология амалий жиҳатдан фито- ва зообиотехнологияга нисбатан анча олдин ривожланган. Мисол тариқасида қатор озиқ-овқат (сут, нон, пишлок) маҳсулотларини тайёрлаш, вино, пиво, спирт, органик кислоталар, аминокислоталар, антибиотиклар, ферментлар, алоҳида витаминлар, қишлоқ хўжалиги моллари учун оқсил ва бошқа моддалар, ишлаб чиқарилиши ген муҳандислигига асосланган моддаларни келтириш мумкин.

Ушбу бобда вирус препаратлари ва протозой организмлар ишлатиладиган (қўлланиладиган) жараёнлар биотехнологияси ҳақида маълумотлар келтирилмаган. Вируслар облигат ёки шартсиз паразитлар ҳисобланиб, тирик организм тўқималарида етиштирилади, **протозоа** эса ишлаб чиқаришда ҳали ўз ўрнини топгани йўқ. Шунинг

учун вируслар ва протозоалар ҳақидаги айрим маълумотлар 11 бобда келтирилган.

Микроскопик сувўтлари – 10 бобда биообъект сифатида кўриб ўтилган. Ушбу боб биотехнологик жараёнларда биообъектларнинг, яъни икки қироллик вакиллари – бактерия ва замбуруғларнинг ишлатилишига бағишланган.

### **1.2.1. Микроорганизмларни культивация (ўстириш) қилиш тамойиллари.**

Микробларнинг озуқа муҳитига киритилишида, айниқса, кўпайишнинг логарифмик ёки стационар фазалар даврида улар физиологик фаолликлари индукцияси катта аҳамиятга эга. Бу ҳолда имобилизланган ёки эркин ферментлар томонидан катализланадиган кўплаб реакциялар бир вақтда бир бирига боғлиқ ҳолда кетади. Реакцияда, айниқса, биринчи босқичда маълум конфигурацияга эга бўлган молекулалардан иборат юқори молекуляр бирикмалар қатнашади (углероднинг глюкоза ва крахмал каби манбалари ёки азот манбалари – аммоний сульфат, қандайдир аминокислота ва оксилни солиштириш). Шунинг учун микроорганизмларни ўстиришнинг ўзига хослигини ҳисобга олиш зарур.

Микробларни ўстириб, улардан бирламчи ва иккиламчи метаболитларни олиш мақсадида культивация қилиш (етиштириш, ўстириш) нинг асосий хусусиятлари қуйидагилар:

- 1) Ўзоқ вақт давомида асептик қондаларга риоя этиш имконини берувчи 63, 200, 1000 м<sup>3</sup> ва ундан катта ҳажмдаги биореакторларни қўллаш зарурияти;
- 2) Озуқа муҳитларининг специфик характеристикалари – ҳароратнинг кардинал нуқталари ва рН билан боғлиқ бўлган биообъектларнинг ташқи кўринишларидаги фарқлар;
- 3) Биотехнологик жараёнларни масштаблаш (режалаштириш) қийинчиликлари билан боғлиқ бўлган кимёвий, иссиқлик,

диффузион ва гидродинамик критерияларнинг доимийлигини сақлашнинг мумкин эмаслиги;

- 4) Аэроб ва анаэроб микроорганизмларда масса алмашилиш жараёнларидаги фарқлар – аэробларни ўстириш уч фазали тизимда амалга оширилади (қаттиқ жисм (хужайра) – суюқлик – газ), анаэроблар эса икки фазали (қаттиқ жисм (хужайра) – суюқлик) тизимларда етиштирилади.
- 5) масса алмашилиши (биринчи навбатда аэроблар учун ҳаво кислороди)ни яхшилаш учун культурал мухитларни аралаштириш кераклиги. Бу эса, ўз навбатида, кўпик ҳосил бўлишига сабаб бўлади ва натижада кўпиксизлантириш зарурлигини айтиб туради.
- 6) Микроорганизмлар механик, физик ва кимёвий таъсирларга сезгирдилар.
- 7) Таъсирий маҳсулотларнинг микробли синтезида индукция, активация, ингибирлаш, репрессия ва продуцентнинг кўпайишини ва охириги маҳсулот биосинтезига тўсқинлик қилувчи бир қанча бошқа жараёнлар ўрин эгаллайди.
- 8) Таъсирий маҳсулотлар биосинтезининг тезлиги кимёвий синтез тезлигига қараганда бирмунча секинроқ боради.
- 9) Биотехнологик жараёнларда ишлатилувчи микроорганизмларнинг алоҳида турлари касаллик келтириб чиқарувчи (дифтерия ва столбасимон таёқчалар, туберкулёз микобактериялари, холера вибриони ва бшқ.) ҳисобланиб, улар устидаги ишлар алоҳида эътибор билан олиб борилади.
- 10) Микроблар оламининг айрим вакиллари фақатгина тирик тўқима/хужайраларда (товуқ эмбриони, одам ва ҳайвон хужайралари) ўстирилиши керак. Бундай вакиллар қаторига вируслар ва риккетсийлар киради.

Исталган биотехнологик жараён шартли равишда икки босқичга бўлинади:

#### **Ферментация олди босқичи**

Ферментация олди босқичи ўз ичига озуқа мухитлари, биообъектлар, аэроблар учун ҳаво, биореакторни тайёрлашни олади.

Озуқа мухитининг компонентлари хужайра ичига кираётган у ёки бу озуқа манбаининг трансформацияси ёки сарфланаётган энергия хисобидаги метаболит билан боғлиқ бўлган материал баланс хисоб-китоби асосида танлаб олинади. Одатда озуқа мухитларнинг сифат ва миқдорий таркиби регламент хужжатларда кўрсатилган бўлади.

Тайёрлов босқичида ишлатиладиган озуқа мухитлари иккинчи босқичда ишлатиладиган мухитлардан фарқ қилишлари мумкин. Масалан, лиофиль куритилган она культурани экишда одатда фойдали ингредиентлар билан бойитилган суюқ озуқа мухитлари тавсия этилади. Кейинги экишлар аввал агар солинган ферментацион мухитга экиш билан, сўнгра суюқ мухитга экиш билан амалга оширилади.

Биообъектларни тайёрлашда барча озуқа мухитлари стерилланган бўлиши керак. Биообъект ёки саноат штамми куйидаги шартларга жавоб бериши керак:

1. Саноатда эксплуатация ва ўзоқ вақт давомида сақлаш натижасида структур-морфологик белги ва физиологик фаолликнинг стабил бўлиши;
2. Лаборатория ва саноат шароитларида юқори ўсиш ва таъсирий модда биосинтези тезлиги;
3. Ноқулай ташқи мухит омиллари таъсирига етарли даражада тургунлик диапазони;
4. Чегараланган (белгиланган) озуқа манбаига стабил талабчанлик; ишлаб чиқариш штамми қанчалик кўп миқдорда углерод, азот ва бошқа элементлар манбаини ишлата олса, шунчалик даражада уни юқори иқтисодий самара билан культивация (ўстириш, етиштириш) мумкин.

Ҳақиқатда эса ҳар бир штамм ўзига хос хусусиятларга эга ва у юқорида келтирилган барча талабларга жавоб бера олмайди. Шунини айтиш мумкинки, озуқа мухити қанчалик ингредиентларга бой бўлса, шунчалик микроорганизмлар унда яхши ўса олади.



Қуруқ модда ва маккажўхори таркибидаги кимёвий  
ингредиентлар.

Ингредиент	Таркиби, %	Ингредиент	Таркиби, %
<b>Аминокислоталар</b>		<b>Зол элементлари</b>	
Аланин	2,4-5,9	Алюминий	0,007-0,02
Аргинин	1,0-2,4	Темир	0,023-0,068
Валин	0,8-1,8	Калий	0,450-1,350
Гистидин	0,2-0,4	Кальций	0,225-0,675
Изолейцин	3,5-4,2	Магний	0,188-0,563
Аспарагин кислота	1,0-2,7 3,5-8,8	Марганец	0,006-0,018
Глютамин кислота		Мис	0,001-0,002
Лейцин		Натрий	0,075-0,225
Лизин		Фосфор	0,006-0,018
Метионин		Рух	0,005-0,016
Пролин		<b>Витаминлар</b>	(1,5-5,5)*10 <sup>-3</sup>
Серин		Биотин	(1,2-1,8)*10 <sup>-2</sup>
Тирозин		Никотин кислота	(0,8-1,4)*10 <sup>-2</sup>
Треонин		Пантотен кислота	
Триптофан		Органик кислоталар	
Фенилаланин		(учувчан, сут)	5,1-12,0
Цистин		Сахароза	0,1-11,0

Кўп йиллар давомида озуқа муҳитларига қўшимча модда сифатида жўхори экстракти қўшиб келинади. Чунки у углерод ва азотга бой бўлиш билан бирга микроэлементлар ва витаминларга ҳам бойдир. Унинг таркибида қуруқ моддалар миқдори 45-55% ни ташкил қилади. Мана шу қуруқ моддалар таркибининг 1.5-4.5% ини зол (коллоид) моддалар ташкил қилади (1-жадвал).

Қуруқ модда ҳиссасига мос ҳолда турли хил моддалар – аминокислоталар (аргинин -5%, валин-5.5%, гистидин-4%, изолейцин-5.5%, лейцин-7.9%, лизин-8.2%, метионин-2.5%, тирозин-5%,

треонин-4.8%, триптофан-1.2%, фенилаланин-4.5%, цистин-1.5%) ва витаминлар (биотин-0.3%, кальция пантотенат-0.01%, p-аминобензой кислота-0.016%, никотин кислота-0.059%, фоли кислота-0.0001%, пиридоксин монохлор-0.0002%, рибофлавин-0.01%, тиаминмонохлор-0.017%, холинхлорид-0.27%) га бой бўлган *Saccharomyces cerevisiae* хужайраларидан олинган ачитқиси экстракти ҳам кўп ишлатилади. Ундан ташқари, ачитқи хужайралари биомассасининг 50% игача миқдорини оксил ташқи л қилади.

Экстрактлар ўрнига ачитқи автолизат ва гидролизатларини қўшиш мумкин.

Ўлчаш учун, биореакторларни транспортировка (ташиш) ва ортиш учун ишлатиладиган катта хажмли ускуналар озик-овқат саноатида қўлланиладиган ускуналар – турли хил тарозилар, насослар (масалан, вакуумли), транспортёрлар (лентали, шнекли), элеваторлар, контейнерлар ва бошқ.га аналог (ўхшаш) хисобланади. Газсимон ва суюқ маҳсулотлар одатда стерил трубпровод тизими орқали биореакторларга тушади (қуйилади). Кенг кўламли ишлаб чиқариш саноатида озуқа муҳитлари ва уларнинг айрим компонентлари иситиш ёки мембраналар орқали филтрлаш орқали стерилланади. Иссиқлик билан стериллаш даврий ва тўхтовсиз бўлиши мумкин. Биотехнологияда стериллашнинг бу иккала туридан ҳам фойдаланилади.

Доривор моддаларни, масалан, парентал юбоишда ишлатиладиган антибиотикларни олишда юқори даражада стерилланган озуқа муҳитлари ва таъсирий моддалар талаб этилади. Бунда қуйидаги тенгламадан келиб чиққан ҳолда  $10^{-12}$  катталиқдан кичик бўлган бактерия спораларининг омон қолиш кўрсаткичларини камайтиришга ҳаракат қилиш керак.

$1 - P_0(t) \approx 1 - e^{-N}$ ; бунда  $P$ - микроорганизмлар популяцияси;  $e$ - натурал логарифм;  $t$  – вақт;  $N_1$  қ  $N_0 e^{-k}$ ;  $N_0$  – стерилизациядан олдинги муҳитдаги ҳаётчан микроорганизмлар сони;  $k_d$  – микроорганизмнинг ўртача яшаш умрига тескари бўлган катталиқ;  $1 - P_0(t)$  – битта микроб танасининг яшаб қолиш эҳтимоли.

$$1 - P_0(t) \approx 1 - (1 - e^{-k}) N_0$$

Кўриниб турибдики, биообъектни экишдан олдин ҳам озуқа мухити, ҳам биореактор стерил бўлиши керак. Биореакторни стериллаш жараёни унинг ичидаги мухитни стериллаш билан биргаликда олиб борилади.


Биообъектларни тайёрлаш регламент инструкциясида келтирилган маълумотларга асосан олиб борилади. Завод ёки цех лабораторияларида культуранинг инокулюм (инокулят) ёки экиладиган материалга ишлов бериш учун тайёрлаб қўйиш талаб этилади. Шу мақсадларда анабиоз (лиофиллаш ёки сублимацион қуритиш йўли билан стерил тупроқ, қумда қуритиш) ҳолатига яқин шароитларда сақланиб қолувчи микроорганизмнинг бошланғич штамми зичлаштирилган озуқа мухитга стерил тоза озуқа мухитини қўшгандан сўнг тирилтирилади. Культура тозалиги (мухитдаги она ва киз хужайралар бир-биридан деярли фарқ қилмаса ва улар орасида ҳеч қандай уруғчилик алоқалари бўлмаса, мухит тоза ҳисобланади) га амин бўлингандан сўнг, штамми мухитга экиш жараёни пробиркалардан колбаларга ўтиш билан асептик шароитларда олиб борилади.

Биообъектнинг кейинги тайёров босқичлари ишлаб чиқариш саноати ферментацияси учун экиладиган материал етиштириладиган ферментатор-инокуляторлардан фойдаланган ҳолда цехларда олиб борилади. Бунда бир хужайрали культуралар Log фаза охирининг ўрталаригача олиб борилади, яъни хужайралар синхрон равишда бўлинаётган вақтда. Маълумки, “синхронлашиш даражаси” тушунчаси, яъни популяция хужайраларининг синхрон бўлинишдаги иштироки синхронлашиш индексида ўз аксини топади:

$$I_s = \left( \frac{N_1}{N_0} - 1 \right) \cdot \left( 1 - \frac{T}{g} \right),$$

$N_0$  – синхрон бўлинишдан олдинги хужайраларнинг сони;  $N_1$  – синхрон бўлинишдан кейинги хужайралар сони;  $T$  – Log фазага тўғри келувчи вақт;  $g$  – битта генерациянинг давомийдиги.

Суспензиянинг зичлигига боғлиқ ҳолда унинг миқдори ишлаб чиқариш ферментаторининг 1-20% хажмий улушини эгаллаши мумкин. Аэроб микроорганизмлар учун инокуляторга тозаланган стерил ҳаво юборилади.



10-расм. Экиш материални олиш схемаси. (1-инокулятор, 2-аралаштиргич, 3- аэроб-микроорганизм тозаланган стерил хавони бериши, 4-жараёни бошқариши, 5-тўкиб олиш жойи).

Умуман олганда, ферментация олди жараёни 10-схемада келтирилган. Эхтимолий босим йўқотишлари содир бўлиб туришини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш ферментаторларига ўхшаб инокуляторларда ҳам оз миқдорда ортиқча ҳаво босимини сақлаб туриш ўринли ҳисобланади. Бу билан биотехнологик жараённинг асептик ҳолати қўшимча тарзда таъминланади.

Инокуляторлар қуйидаги асосий талабларга жавоб беришлари шарт: конструктив соддалик, қулайлик ва эксплуатациядаги ишонччилик. Ҳозирги замон сепиш аппаратлари қуйидагича



катталикларга эга: 10, 5, 2, 0.63 м<sup>3</sup>, диаметри 0.9 дан 2 м гача ва аралаштиргичнинг айланиш тезлиги минутига 180 дан 270 тагача.

### Ферментация

Ферментация жараёни деб номланадиган биотехнологик жараённинг иккинчи босқичи ишлаб чиқариш биореакторларида олиб борилади. Биокимёвий келиб чиқишига кўра бу жараён предферментация жараёнига ўхшаб кетади.


Ферментация жараёнида стерил озуқа муҳитлари, ҳаво ва ўстирилайтган микроорганизмларнинг хусусиятларига боғлиқ ҳолда танланадиган биореакторлар ишлатилади.

11-расмда шундай биореакторлар турлари келтирилган.

Муайян зичликка эга бўлган суспензия ҳолидаги микроорганизм инокулятордан биореакторга ёки стерил суюқ озуқа муҳити бўлган ферментаторга келиб тушади. Бунда ташқаридан ҳеч қандай бегона микроорганизм (микроб) продуцент билан бирга озуқа муҳитига тушиши керак эмас. Шунинг учун тизимнинг барча қисмлари герметик бўлиши шарт.



11-расм. Аэроб микроорганизмлар учун биореакторларни танлаш



12-расм. Трубопроводлар тизимида инокулятордан саноят ферментаторига экиш учун ёпиш-бошқариш мосламаси.

Схемадан келиб чиққан ҳолда, жараён кетма-кетлиги куйидагича бўлади: 4 ва 7 клапанлар очилади (3 клапан ёпиқ ҳолатда) ва АБ трубопровод қисм 20 дақиқа давомида  $1.055 \text{ кг/см}^2$  босим остида сув буғи билан стерилланади; конденсат (11) қопқонда йиғилади; 7,8,9,10 клапанлар ёпилади ва 4,5,6 клапанлар очилади; ферментатор тозаланган стерил ҳаво босими остида совутилади; стерил озука муҳити эса трубопроводни тўлдиради. Ферментатордаги босим  $0.14 \text{ кг/см}^2$  га камайтирилганда, экиш аппаратидаги босим  $0.7 \text{ кг/см}^2$  гача оширилади. 3 клапан очилади ва эқиладиган материал ферментаторга олиб ўтилади. Сўнгра инокулятор ва ферментатор 3 ва 6 клапанлар ёпилиши билан буғ ўзатиш тизимидан ўзилади. 7 ва 8 клапанлар очилади ва 4, 5 клапанлар озгина очилган ҳолатда бўлганда буғ ва конденсат туширилади.

Ферментатор умумий ҳажмининг 70-80% и инокуляция қилинган муҳит билан, 20-30% эса газлар (инерт газлар – анаэроблар учун, ҳаво – аэроблар учун) билан тўлдирилади.

Суюқлик азрацияси ферментация жараёнининг унумини камайтирувчи кўпик ҳосил қилгани учун механик (ферментаторнинг юқори қисмида қўшимча аралаштигич ўрнатиш) ёки физик-кимёвий (газ-суюқлик фазалар чегарасидаги сирт тарангликни камайтириш учун сирт фаол модда ишлатиш) кўпик сўндиришдан фойдаланилади.

Ферментация жараёнининг давомийлиги биообъектларнинг ўзига хос физиологик фаоллигига боғлиқ ҳолда 4-5 кундан 14 кунгача ва ундан ортиқ давом этади. Антибиотиклар ва экзогликанлар биосинтезининг даврий ферментацияси 4-5 кун давомида олиб борилади.


## Микробиотехнологик жараёнлар

### 2.3. Бижғиш (ачиш) маҳсулотларини олиниши

Бижғиш (ачиш)—бу биологик жараёнларнинг бир тури бўлиб, унда асоснинг (субстрат)нинг гетеротроф микроорганизмлар таъсирида ачишига ва шу мақсадда энергия олиш. (электронлар акцептори ёки водород атомлари органик модда (вещество) бўлганида).

Биотехнологик антибиотиклар, аминокислоталар ва бошва маҳсулотлар бижғиш жараёнлари анча олдин ўрганилган. Лекин баъзи бижғиш турлари практикада яқинда қўлланила бошлаган. Масалан *Zygomonos spp* иштирокида бижғиш.

Бижғиш жараёнининг асосида универсал реакция ётади яъни глюкозани оралиқ маҳсулот пирроўзум кислота, пируватга айланиши олинган маҳсулотлардан биз учун керакли бўлган моддалар синтезланади.



**Спиртли бижғиш.** Ушбу жараён асосида этил спиртини, озуқа учун ишлатиладиган ачитқилар, пиво ва вино ишлаб чиқаришда ётади. Спиртли бижғишни келтириб чиқарувчи ачитқилар-сахаролицетлар, баъзи бир митцеллалари замбуруғлар (*Aspergillus oryzae*) ва бактериялар (*Erwinia amylovora*, *Sarcina ventricula*, *Zygomonos mabilis*). Ушбу келтирилган микроорганизмлар ачитишда асосий рол ўйнайди.



**Этанол спиртини олиш.** Этанол халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга. Эритувчи сифатида кимёвий синтезларда ва медицина соҳасида кенг қўлланилади ва бошқ.

**Махсус штаммлар** *Saccharomyces cerevisiae* этанол олишда биобъект ҳисобланади. (Африка қитъасида кўпинча *Schizosaccharomyces pombe* ва *S.octosporus*). Штаммлар бижғитишга қараб бўлимларга бўлинади. Юқори қобилятига қараб – парчасимон (хлопьевиднўе) ва чангсимон (пўпевўе) ларга бўлинади. Юқоридан бижғиш спирт, нон, пиов ачитқилари ҳисобланади. Пастдан бижғишга кўпчилик вино ва пиво ачитқилари. Иккала ачитувчиларни хужайралари флокуляцияга учраш мумкин. Бунда бир нарса ёдда тутиш керакки бижғиш жараёни мобайнида чангсимон ачитқилар дисперсирланган ҳолатда бўлади. Улар автолизга анча барқарор, бижғиш жараёни суст олиб боради. Парчасиомн остга чўқади ёки юқорига сўзиб чиқар, улар ароматизаторлар ҳоссасига эга. Этанол продуцентларини баъзилари 2 жадвалда берилган. *S.cerevisiae* фарқли равишда Аэролирант бактериялар *Z.mabilis* этанолга кам таъсирчан, уларда катаболит репрессияси мавжуд эмас. Глюкозани қабул қилиш тезлиги этанолнинг ҳосил бўлиши 2-3 мартаба юқори ( $q_{C_2H_5OH}=1,97\text{г/л}\cdot\text{г}$ ).

Глюкоза катаболизми Энтнер-Дудоров механизми бўйича боради. лекин бу бактериянинг кўпайиш тезлиги ва спирт ажратиш хусусияти паст.

Кўпроқ *S.rosei* биз учун муҳим. Бу ачитқилар земляная груша иштирокида этанол ҳосил қилиш хусусиятига эга. Унинг таркибида инулин борлиги сабаб гидролизни этанол ҳосил бўлишгача олиб боради. Земляная груша хатто шимолда (Архангельс, Ленинград) ва бошқа минералларга бой бўлмаган тупроқларда ўсади.

## Микроорганизмлар характеристикаси

Микроорга- низмлар	Култиватция- нинг оптимал бирликлари		Максимал этанолнинг ажралиши % ларда	Этанол- нинг макси- мал концентр ацияси г/л	Ўзига хос хусусиятлари
	pH	T <sup>0</sup> C			
<i>Saccharomyces cerevisiae</i>	3-4	30	100	130	Пентоза иштиркисиз
<i>Saccharomyces rosei</i>	4,6	35	88	42,5	Инсулинни этанолга конверсияси
<i>Pachysolen tonnoplus</i>	4,2	25	40-60	20	аралаш культурада усади, ксилоза иштирокида
<i>Zymomonos anarabia</i>	5,5	35	90-95	96	термостабил (температурага чидамли)
<i>Clostridium thermohydrosulficum</i>	6,9-7,5	69-70	80	---	генерация вақти 70 мин Аэротолерант
<i>Clostridium thermosaccharolyticum</i>	---	55-60	70	27	бутират ҳосил қилади
<i>Thermoanaerobacter ethanolicus</i>	5,8-8,5	69	90	---	генерация вақти 90 мин юқори pHли

Этанол олишда маҳсулот сифатида турли давлатларда турли хил ўсимлик маҳсулотларининг донли маҳсулотлар картошка-Россияда, Украинада, Беларуссияда, сахароз ва тростникли мелассани-Америкада, гуруч-Японияда фойдаланилади. Умуман ўзида гексозан моддаларни сақлаган ҳар қандай маҳсулот этилд спирти олишда

фойдаланса бўлади. Масалан Целлюлоза, сомон, торф ва бошқ. Шунинг учун целлюлозада мавжуд бўлган сульфатли кукун этил спиртини олишда кенг фойдаланилади.

Пастда кўрсатилган технологик схема бўйича этанол олишда биринчи навбатда крахмални амилolitik ферментлар таъсирида глюкозага айлантирилади. Амалиётда одатд азамбуруғ (*A.niger*, *Aspergillus oryzae* ва бошқ) қўлланилади. Баъзида ўстирилган дон ишлатилади.

Крахмал

↓

Клейтеризация

↓ + Янгиланган дон ферментлари ёки  
замбуруғ ферментлари

Шакарланган масса

↓ + Ачитқилар

Бижғиш

↓ Дистиляция

Этанол

Этанол олишда турли хил маҳсулотлардан (картошка, макка донлари, бугдой, дон, гуручда) олинган крахмалардан фойдаланилади. Клейстер ҳосил қилиш учун крахмал маҳсулоти болғачали ва валли майдалагичлар ёрдамида яхшилаб майдаланилади. Масалан бугдой ёрмасини  $68^{\circ}\text{C}$  да 30 дақиқа давомида тулик клейстерланади. Сўнг крахмал кичик молекула сахаролитик бирикмаларга гидролизланиши лозим. Гидролизловчи моддалар сифатида замбуруғлардан олинган ферментлар қўлланилади. Крахмал аминава ва амилпектиндан иборат. Амилпектин ўз навбатида биоза-мальтозагача гидролизланади. Амилпектин эса ўз навбатида декстрин секин парчаловчи ачитқилар таъсирида малтозагача бижғийди.

Шакар ва декстритлардан ташқари оз миқдорда аминокислоталар, пептидлар, макро ва микро элементлар ноорганик тузлар (фосфор яна фосфоорганик бирикмалар) сақланади. Шакар ва декстриннинг концентрациясининг кўплиги бактериялар учун осмотик босими туфайли қулай шароит яратмайди. Кейинроқ, осмотик босим камайгандан сўнг этанолнинг ҳосил бўлиши ошади.

Бижғиш даврида температурани 30-38<sup>0</sup>С оралиғида ушлаб турилади. (ачитқиларни турига қараб).

Бижғиш жараёнида нафақат ачитқи тури, температура, рН га боғлиқ балки конструктив асосли ферментацитоз аппаратлар (совутиш тизимси, иситиш, аралаштириш, интенсивлигини) ҳам боғлиқ. Бижғиш жараёнида ўртача 1,5-3 суткагача вақт сарфланади. Бижғиш жараёнида 1-1,5% дан 6,5-8,5% гача этанол олинади. Уни ҳайдаб ректификацияланади 96%гача. Ундан ташқари бижғишда “сивушли масла” (юқори қайнаш фракцияси 90-150<sup>0</sup>С) вап 5-10% альдегид ва эфирлар сақланади.

**Сивушли мойлар** изопропил, изоамил (2 метил ва 3 метил бктанол) спиртлар аралашмасидан иборат. Н-бутил ва изоамил спиртларининг миқдори 50% ни ташқи л этади. Сивушкали мойлар таркибида шунингдек β-фенил ва 3-оксифенил этил спиртлари мавжуд.

Маккажўҳорининг ҳар хил навлари, гуруч, бугдой ўзида ўртача 65-75% гача крахмал сақлайди. Бу крахмал 45 дкл гача этанол олиш мумкин.

Ишлаб чиқариш қолдиқ маҳсулотлари сифатида барда ва (СО<sub>2</sub>) диоксид углерод ҳисобланади. Барддан қорамол ва парранда озикаси сиқатида фойдаланилади. Диоксид углероддан эса озик овқат ишлаб чиқариш саноатида “курук мўз” сифатида ишлатилади.

Этанолни шунингдек ўзида целлюлоза сақлайдиган дарахт пўстлоғи ва ўтли ўсимликлардан ҳам олинади. Бундай гидролизатлар таркибида одатда 2-3,5% ридуцирловчи шакарлар (кўпроқ генеозалар, камроқ пектозалар) мавжуд бўлади.

Генетик инженерия усулларидан фойдаланган ҳолда, янги ачитқи *Schizosaccharomyces pombe* ксилозоизомераза ферменти



биосинтезини кодлаштирувчи ген олинди. Бу фермент Д-ксилозанинг Д-ксилозага ўтишини катализловчи фермент ҳисобланади.

Шу орқали ксилозани тўғридан-тўғри этанолга конвериялаш амалга оширилди. *S.pombe* хужайралари ўзида ксилозоизомераза ген орқали бир вақтнинг ўзида глюкоза ва ксилоза гидролизлайди.

Бизга маълум табиатда кенг тарқалган глюкоза ва ксилоза бижғитадиган бактериялар. Масалан *Thermoanaerobacter othanolicus*. Бироқ хўжалик мақсадида мувофиқлик бўлиши учун ушбу бактериялар таъсирида бижғишда этанолнинг концентрацияси 4,5-5% дан кам бўлмаслиги керак.

Гидролизловчи спирт аралашмаларидан тозаланганидан сўнг ректификация 0,05-0,1% гача метаноллар кўпгина альдегидлар, органик кислоталар ва эфир сақлайди.

Целлюлозани қайта ишлашда қолдиқ маҳсулот ҳисобланган суьфит кукуни, ўзида 3% шакар сақлайди. Масалан игна баргли ўсимликлардан 29% гача глюкоза, 4,24% галактоза, 43% манноза, 174% ментоза, 4% фруктоза ва 3% турли хил органик кислоталар олиш мумкин.

Дарахтларнинг ёғочлик қисмини сульфит кукуни билан қайнатилади. Олинган ярим маҳсулот даставвал целлюлоза қолдиқларидан тозаланади, гидролиздан сўнг эса (маҳсус *Saccharomyces cerevisiae*) бактериялари ёрдамида бижғиш анча арзон ҳисобланган “Сульфитли спирт” олинади. Ушбу маҳсулот ўз таркибида 2-8% метанол ва бошқа аралашма қолдиқларни сақлайди. Сульфитли спирт техника мақсадларида қўлланилади.

3-жадвал

Сульфитли кукунини намунавий таркиби

Ингредиентлар	%
Курук моддалар	11,5-12,2
Редуцирловчи моддалар, глюкозага нисбатан	2,0-2,7
Бижғитиладиган углеводлар, глюкозага нисбатан	1,3-1,9
Метоксил гурух	0,78-0,8

Кул	1,2-2,1
Олтингургурт II оксиди	0,4-1,4
Кальций оксиди	0,6-1,0
Умумий олтингургурт	0,9-1,6
Сульфатлар	0,1

Дарахтларнинг ёғочлигини қўллаган ҳолда одатда этанол ва ачитқиларнинг биргаликда олиш мақсад қилиб қўйилади. Бу процесслар алоҳида ҳам олиб борилади. Қуйидаги схема бўйича целлюлоза иштирокида ушбу жараён келтирилган.

Спирт ва ҳашак ачитқининг биргаликда ишлаб чиқаришда  $t_m$  абсолют қурук ёғочнинг чиқувчи кўрсаткичлари ҳисоблар ёрдамида қуйидагича бўлади.

Этанол (абс) – 175-182 л,

Метанол – 2 кг,


Сивушкали мойлар -0,3 кг,

Фуурофурул (94% ли) – 5,6 кг,

Углерод диоксиди (суюк) – 70 кг,

Қолган намлиги 10 % ли бўлган ачитқи – 32 кг,

Лигнин (абс.қурук) – 380 кг, гипс – 225 кг.



Сулфитли целокаларда замбуруғли ҳашак масса олиш мумкин, масалан гексоза, пентоза ва ацетатни утилизалитирадиган сапрофитли *Raecilomyces varioti*. Бундай технология Финляндияда ишлаб қилинган.

Спиртли ачишда тез-тез (дам-бадам) лавлаги шакар ёки шакар қамиш олишдаги чиқиндиси – меласса ишлатилади. У шртача 80% қуруқ модда ва 20 % сувданн туради. 30-40% дан -45-50% гача бўлган қуруқ модда биоэ-сахарозадан, 0,5-2% раффиноза ва 12-18% гача инвентар шакар (глюкоза ва фруктозанинг аралашмаси) ва бошқа моддалар аминокислоталар, бетаин (органик асос),  $\beta$  - гуруҳ

витаминлар, ноорганик тузлар, пигментлардан туради ва мелассанинг рН 7,2-8,9 диопозонда бўлади.

4- жадвал.


“Оқимли” (ОА) ва “гидролизли” ачитқиларнинг (ГА) кимёвий гуруҳи, қурук моддадан %.

Ингредиентлар	ОА	ГА
Оксиллар	46-52	43-58
Биотин	$3 \cdot 10^{-5}$ - $1,6 \cdot 10^{-4}$	$6 \cdot 10^{-5}$ - $2,3 \cdot 10^{-4}$
Кул элементлари	12-14	5-11
инозит	0,045-0,35	0,12-0,48
никотин кислотаси	0,036-0,045	0,04-0,06
пантотен кислотаси	0,009-0,011	0,006-0,01
липидлар	0,5-2	3-4
пиридоксин	$7 \cdot 10^{-4}$ - $1,2 \cdot 10^{-3}$	$1 \cdot 10^{-3}$ - $2 \cdot 10^{-3}$
рибофлавин	0,004-0,007	0,004-0,013
углевод	10-18	11-23
холин	0,38-0,75	0,25-0,45

Мелассани бир вақтда этанол ва хашак дрожлар олиш учун фойдаланилади. “Оқимли” ва “гидролизли” ачитқиларни солиштириб, хужайранинг асосий ингредиентлар бўйича қуйидаги маълумотлар келтирса бўлади.

Оқимли ачитқида озгина липид, 1-2 та витаминлар (биотин, инозитЮ пиридоксин, рибофлавин), углеводлар бор. Лекин бир оз кўпроқ пантотен кислотаси, тиамин, холин ва кўп элементлари бор. Оқимли ва гидролизли ачитқиларнинг оксил миқдори ва 20% га тенг нуклеин кислотаси азотининг оксилни отягаҳения коэффиценти бўйича ёки КАОО коэффиценти ( $N\text{-нукл} / N_{\text{умумий}} \cdot 100$ ) бир хил. Солиштириш учун буларни кўрсатса бўлади. Ипли замбуруғнинг ооксиллари КАОО коэффиценти 2-5% бу уни ачитқининг оксидан фойдали ва шунингдек бактерия оксидан (КАОО коэффицент 30%) ажратиб туради.






13 расм. Технологик схема.

А) хашак ачитқи олиш: 1. Ферментатор; 2,4. йигувчи; 3,5. сепараторлар; 6. термо иситгич; 7. куруттиш; 8. қадоқлаш, фасовка; Б) этанол ва нон пиширувчи ачитқиларни мелласада олиш; 1. рассирончи; 2,4. тоза ўстиргич (культура) аппаратлар; 3. стерилизаторлар; 6. ачитқи генератор; 7. насос; 8. кезувчи аппарат; 9. бошқа (асосий) кезувчи аппарат

Этанол ва нон пиширишдаги ачитқиларни мелласада олишнинг бир схемаси 78 б расмда келтирилган. Ҳайдашдан олдин (ачитувчиларни) нон пиширишдаги ачитқиларнинг сепаратлаштиради. Бу ишлаб чиқаришдаги бардуни хашак ачитқиларини ўстиришда ишлатса бўлади.

Патокадан этанолни олиш учун фойдаланиладиган шакарларни (рафинозани ҳам) тез ва эффектив ачитиш ва юкори ҳароратга  $35^{\circ}\text{C}$  гача чидамли бўлиши керак.

Затор тайёрлаш учун патокни сув билан 14-18% концентрацияли шакар олинганича суюлтирилади, рН 4-5 гача гугурт ( $\text{H}_2\text{SO}_4$ ) кислотаси ( $\text{HCl}$  ёки сутли кислота ҳам бўлади) қўшилади, агар зарур бўлса 0,1% аммонийли ва 0,01 % фосфорли тузлар қўшилади ва сўнг суспензиянинг хажми бўйича 2-4 % актив ачитқи *Saccharomyces cerevisiae* (Россияда кўпинча V 30 рассаси (73 расм) ва шунингдек Я рассаси, пиво ачитқисининг соматик гибридланиши натижасидан олинадиган  $\alpha$  галактозидазасининг ҳосил қилувчи диплоид гибридлар 07 ва 73 ни ишлатади) қўшилади.



14-расм. Меласса муҳитидаги *Saccharomyces cerevisiae* раса V30 ачитқиси,  
X 7000.

Жараён бошида ачишни 21-27<sup>0</sup>С температурада, кейинги вақтда 32-33<sup>0</sup>С ўтказади. Ачиш жараёнининг ўтиши мелассанинг сифатини боғлиқ, ўртача ўтиши 36-72 соатни ташқи л қилади, ачитқидаги этанол 6-9% қурайди.

Заторнинг бактериал контаминацияси қоида бўйича уларнинг рН кўрсаткичини паслиги ва шакарни кўп бўлиши (бу икки фактор асосий бўлиб, улар бактериянинг ўсиш ингибирларини аниқловчилар бўлиб ҳисобланади) ёрдамида йўқолади. ачиш жараёнини ҳар хил вариантда амалга оширса бўлади. Тинимсиз, икки стадияли. 78 расмда икки стдияли жараён кўрсатилган, ачитқи генераторда (6 позиция) муҳитни 3-4 м<sup>3</sup>/м<sup>3</sup>Г 28-30<sup>0</sup>С аралашганда ва рН 4,2-4,5 бўлганда, қуруқ моддаларга нисбатан 2,5-6,5% гача ачитқиларни ўстиришади, сўнг сезувчи аппаратига 8,9 позициялар анаэроб усулида (кислородсиз) спиртли ачиш ўтаётган (·) кўчирилади. Спиртни ҳайдаш ёки дистилляциясини уни қўшимчаларидан ва кейинги

ректификациядан ажратиб ва 96 % этанол ёки абсолют (100 %) спирт ҳосил бўлиш мақсадида ўтказилади.

Спиртли ачишни ҳар хил йўл билан кўрсатиш мумкин.

1.Периодикнинг ўрнига тинимсиз ферментациясидан фойдаланиш, бу тизим маҳсулотни этанол бўйича икки марта кўтаради, бунда иложи борича актив ачитқиларнинг флокулиривчи рассасини ишлатиш биомассасининг рециркуляциясини амалга ошириш, хужайра иммобилизацияси.

2.Этанолни йўқотиш ва унинг ингибирлаш таъсирини камайтириш мақсадида 4265,6-4665,5 Па гача кучайишида вакуум ферментациясини ўтказиш (контаминация) ҳолати бўлишининг борлигини эадан чиқармаслик керак.

3.Флеш-ферментациясини амалга ошириш, бу дегани ўстириш учун (культурал) суюқликнинг бўлимини вақтида этанолни йўқотиш учун вакуум камерага юборилади.

4.Ачиш вақтида солиштирмали юқори концентрацияли спирт ҳосил қилишга микроорганизмларнинг этанол толерантли штаммларнинг селекцияси ёрдамида.

Бу келтирилган спиртли ачишнинг кўрсатиш усуллари ҳар хил мамлакатларда амалиётда фойдаланилади.

Локус-специфик “хроматинни упаковкалаш коди” нафақат хужайра ядросидаги хромосомалар структур тўпламида иштирок этади, балки “генни экспрессиялаш коди”, “репликациялаш коди” ва “рекомбинация коди” сифатида ҳам қатнашиши мумкин.



35-расм Нуклеосома мисолида хроматинни ўрнатилиши: 1- гистон H1, 2- ҳар бири иккита молекуладан иборат H2A, H2B, H3 ва H4 8 молекулага эга гистонлар структураси атрофида ўралган икки ипли ДНК. 3- ДНК нинг спейсер майдони.

Акариот, прокариот ва эукариот турлари геномларининг функциялари ва структуралари ҳақидаги тушунчаларини жамлар эканмиз, қуйдагиларни алоҳида таъкидлаш талаб этилади:

1) Акариот ва прокариот геномлари, шуниндек, эукариотнинг митохондрий ва пластидаси унча кўп бўлмаган структур такрорланишлардан иборат ихчам генлар тўпламини ифодалар экан. Бу эса унинг режалилигидан далолатдир. У доира шаклида ўзлуксиз бўлиб, генлар орасидаги интерваллар минимал бўлади. Масалан, ўлчанган  $\lambda$  фаг ҳақидаги барча генетик ахборотлар ўзунлиги 50 kb. бўлган доира шаклидаги ДНК молекуласига жойлаштирилади, у одатда 40 та генлар тизимидан ташқи л топган бўлади; 95-97 kb. плазмидали ДНК 100 та гендан иборат бўлади; 400 kb. ли *E.coli* нинг алоҳида ДНК си 3000 тагача ген сақлайди. (тахминан 1500 пн 1 гени ташқи л қилади).

2) Эукариот ҳужайралардаги генетик аппарат чизиқли хромосомалар кўринишида тўзилган бўлиб, унда ДНК оксилгистонлар билан мустахкам боғланган бўлади ва шу орқали улар ДНК ларни структур бирликлар – нуклеосомалар кўринишида тартибли упаковкаланишини таъминлайдилар. *Saccharomyces cerevisial* гаплоид ҳужайрасида 17 та хромосома мавжуд бўлади, улардан ҳар бири 1000 kb га эга бўлади. Бундан келиб чиқадики, бу турдаги ҳужайраларда генлар сони 11 000 га етиши мумкин; Ҳар бири 125000 kb га эга бўлган жами 23 та хромосомаси бўлган одамнинг гаплоид ҳужайрасида эса 2 млн. тагача етиши мумкин.

Булардан айтиш мумкинки маккажўхори гаплоид ҳужайрасида 10 та хромосома, куён ҳужайрасида 22 та хромосома ва сичқон ҳужайрасида 20 та хромосома бўлади. Бироқ, эукариот организмлари хромосомаларида генлар сони – кодламайдиган майдон ва бир-бирига ўхшаш бўлиб 10-100 минг мартта такрорланадиган ДНК фрагментлари сақлаган жойларидагина нисбатан камроқ бўлади. Бу эса нима учун одам ДНК сининг атиги 10-20% и кодловчи бўлиб чиқишини тушунтиради. Бироқ шунда ҳам 23 та хромосомага эга гаплоид ҳужайрасида генлар сони 200 000 тага етиши эҳтимоли бор.

3) Эукариот генлари хромосомали ДНК да камдан-кам ёнма-ён жойлашадилар, балки улар кам сонли қариндошлик кетма-кетлигидан иборат мультиген оилаларини ҳосил қиладилар. Масалан, сутэмизувчилар геномидаги рРНК ни кодлайдиган генлар ўзларининг

100 лаб нусхалари билан гуруҳлашган зоналар ҳолида аниқланганлар. Бу эса юксак организмларда генетик программани етишмовчилигидан далолатдир.

4) Микроб, ўсимлик ва ҳайвон дунёси вакиллари генетик материали таркибида бир хил қурилиш блокларини сақлайди, яъни уларнинг “ кодлаш луғати” асосан бир типли ёки универсалдир ва у 1967 йилда Ф. Крик томонидан ифодалаб берилган марказий настулотлар асосида иш кўради: генетик ахборот қуйдаги схема бўйича олиб ўтилади – ДНК – РНК – оқсил, лекин ҳеч қачон оқсилдан РНК га эмас.

5) Ҳар бир ген ўзини ҳосил бўлиши йўли билан ёки мРНК биосинтези – кейинчалик ахборотни деярли ген маҳсулоти ҳисобланган ўзига хос полипептид занжирига ўтказилиши билан намоён қилиш мумкин. Ген ва уни маҳсулоти – қолинеарлар, яъни гендаги кодонлар (тирплетлар) кетма-кетлиги оқсилдаги аминокислалар кетма- кетлигига аниқ мос келади.

6) Ген оқсил молекуласи тўзилиши ва синтези жараёнини бошқаради. 10-жадвалда турли тоифадаги организмлар ҳужайраларининг генетик аппаратлари тўзилиши ва функцияси ҳақидаги асосий умумлаштирилган маълумотлар берилган.

Генларни тўзилиши ва функциясини , шунингдек уларни ажралиши ва турли хил ҳужайралар ёки нуклеин кислоталар молекулаларига олиб ўтилиши методларини билган ҳолда, ген инженерлик ишларига катта ишонч билан ёндашиш мумкин.

## 2.2. Ўсимлик ҳужайралари протопластлари

2.2.1. Ген муҳандислигининг умумий тавсифи. Ген муҳандислиги – рекомбинант ДНКнинг олиш усуллари ҳисобланилиб, турли келиб чиқиш кетма кетликни бирлаштиради.



## Прокариот ва Эукариотларда генетик аппаратнинг асосий характеристикалари.

Характеристикаси		Прокариотлар	Эукариотлар	
Генларнинг	Тузилиши буйича	Узлуksиз	Узлуkли (интронлар саkлайди)	
	Тургунлиги буйича	Тургун	Ўзгаришлар мавжуд булиши мўлксин	
	Экспрессия координатцияси буйича	Оперонлар (регулонлар) бошқаруви оксидлар бошланғич сайтлари ва операторлар орқали бошқарилади	Оперонлари йўқ Индукцибел генларга боқарувчи элементлар мавжуд	
Жараёнларининг	Транскрипция	РНК - полимеразалар сони буйича	Битта	Учта
		Энхансенлар бор ёки йўқлиги буйича	Йўқ	Бор
		Промоторлар тузилиши буйича	Тузилиш режаси ягона; 2 та консерватив кетма - кетлик бор: ТАТААТ (-10) ва ТТГАЦА (-35)	Оксидларни кодлайдиган генлар промоторлари битта консерватив кетмаксликга эгалар ТАТА (АТ) А (АТ) (-30) ва ГЦга бой қисм (40...-100)
		мРНК буйича	Ген еки оперонга коллинеар	Бошланғич транскрипт гена коллинеар "Етылган" мРНК сплайсинг жаранида ташкил топади
	Транслация	Рибосомалар седиментацияси константаси буйича	70 S ( 50 S ва 30 S )	80 S (60 S ва 40 S )
		Рибосомалар боғланиши сайти буйича	АТГА ядро билан кетма - кетлиги	Консерватив кетма - кетлик аниқланмаган
		Кодонлар буйича	Инициация Терминация	АУГ, камдан кам ГУГ УАА, УАГ, УГА

Баъзи бир олимлар маълум наслий хоссаларга эга бўлган организмларни тузишда генетик инженерияни “ билимларни ишлата олиш санъати, физ- кимёвий биология метод ва техникалари ва молекуляр генетика” сифатида муҳим деб таъкидлайдилар. ( В. Н. Рубчин 1986).

Афтидан муаллиф санъат сўзи остида, ген инженерияси масалаларини ташқи л қилиш, рекомбнант ДНК олиш ва кейинчалик уни реципиент хужайрага қўшилиши ёки яхлит хромосомаларни донор хужайралардан реципиент хужайраларга олиб ўтилишини таъкидламоқчи бўлса керак.

Баъзан “ ген инженерияси ” ва “ биотехнология” тушунчаларини бир хил деб тушунилади.( А.А. Баев, 1984), аслида эса ген инженерияси биотехнология фанининг методларидан бири ҳисобланади. Ген инженерияси методларини асосини ферментлар – рестриктазаларни – ДНК ларни алоҳида нуклеотид кетма-кетликларига ажратиб юбора олиш хоссалари ташқи л қилади. Улар эса таркибини ўзига тегишли ДНК ва кўшимча унга тегишли бўлмаган ДНК фрагментларидан тўзилган бактериал плазмидалар ва фаглар геномларининг гибридли ёки химерли формаларини олишда тўзувчи сифатида ишлатилиши мумкин. Шунинг учун генетик инженерия методлари ёрдамида генларни клонлаштиришга эришилди. Бунинг учун қандайдир биообъект ДНК си таркибидан керакли парчани ажратиб олиб, ундан керакли миқдорда олинади ва ДНК топшириғи бўлган майдонга эга бўлган, генетик бир хил бўлган ҳужайралар колонияси етиштирилади. Бошқача қилиб айтганда ДНК ни клонлаштириш бу уни генетик бир хил копияларини олиш демакдир.

Ген инженериясини ген инженерияси, геном инженерияси ва хромосома инженериясига бўлиш мумкин. Биринчисини аҳамияти шундан иборатки у кўп тарқалган вируслар ва ҳужайралар генетик характеристикасини ўзгартириш учун керак бўладиган *in vivo* ёки *in vitro* усулида амалга ошириладиган табиий геномни тўзади.

Геном инженерияси эса прокариот, прокариот ёки эукариот геномларини токи янги турлар ҳосил бўлгунга қадар чуқур қайта тўзилишини таъминлайди. Геном инженериясида катта миқдорда кўшимча генетик ахборотнинг киритилишига эришилади ва натижада бошланғичга нисбатан кўплаб хоссалари билан ажралиб турадиган гибрид организмни ҳосил қилади. Гибридлар фақатгина қуйдаги ҳоллардагина яшаб қолиш хусусиятига эга бўладилар: қачонки улар учун зарур бўлган барча генларга эга бўлса, қачонки бирлаштирилган генлар аро бошқарувчи алоқалар қайта келишилган ва мослаштирилган бўлса, ва ниҳоят, матрица синтези маҳсулотлари (оқсил) аро структур ўхшашлик бўлган тақдирда.

Геном инженериясида жинсий (гаметалар чатишиши) ёки соматик (жинссиз хужайралар чатишиши) гибридлар олиниш эҳтимоли бор. Жинсий гибридларни табиий ёки сунъий (экспериментал) шароитларда олинади. Соматик гибридлар прокариот ва эукариотларда фақатгина сунъий шароитлардагина тўзилиш хоссасига эга, яъни, хужайра формаларида. (хужайра инженерияси).

А типига кирувчи грипп вируси геномлари рекомбинациясини табиий геном инженериясига мисол қилиб келтириш мумкин. Рибонуклеопротеинларнинг антиген характеристикаси асосида грипп вирусларининг А, В ва С турларга ажратилади. Антиген хоссаларининг ўзгариши А турдаги вирусда ўзлуксиз равишда, В турда камроқ содир бўлади. С турдаги вируслар эса антиген турғун ҳисобланади. Шунингдек, чўчқалар, отлар, ўрдаклар, жўжалардан ажратиб олинувчи А грипп вируси штаммлари ҳам маълум. Ҳайвонлардан олинган айрим вирус ажратмалари одамлар орасида айланиб юрувчи антиген штаммларга ўхшашдир. Шунинг учун А типи вируслари ҳозирги кунга қадар кўпроқ ўрганилган ҳисобланади. Уларнинг геномлари умумий молекуляр массаси  $2-4 \cdot 10^3$  кДа бўлган 8 та турли хил бир ипли РНК сегментларидан иборат. РНК нинг вирусли сегментларини ташқи л қилувчи полинуклеотидларнинг катта қисми уридинни  $3^1$  учиди сақлайди. Вирусли геном деганда қарам РНК- полимераза тушунилади. Рибонуклеопротеин оқсил қавати (М) билан ўралган. Худди шу оқсил қавати вируснинг ички қаватини ҳосил қилади. М оқсили ўз ичида мм 26 кДа бўлган кичик протеинни сақлайди. Ва бу протеин миқдори вирус қисми умумий оқсилнинг 40% ини ташқи л қилади. Қисмнинг тахминан 20% массаси келиб чиқиши хужайравий бўлган биоқаватга тўғри келади. Гемагглютинин эукариотларни А вируслари билан агглютинация қилинишига жавоб беради. У мм 75 кДа бўлган гликопротеин кўринишида намоён бўлади. Нейтраминидаза вируснинг рецепторно-бўзувчи фаоллиги учун жавобгардир ва бу билан унинг эритроцит ёки “хўжайин” хужайрадан чиқишини таъминлайди. Нейтраминидаза- мм си 60 кДа бўлган 4 та полипептид

молекулардан иборат ва гемагглютинин билан бир қаторда антиген фаолликга эга. Уларни вируснинг антиген ўзгаришларини қайд қилиш ва тушунтириш учун ишлатилади. 90- йилларнинг бошларига келиб А вируси гемагглютинининг 11 та кичик тури (Н1-Н11) ва нейраминидазасининг 8 та кичик тури (N1-N8) аниқланди. Шунинг учун грипп вирусини белгиловчи тизим ўз ичига гемагглютонин ва нейраминидазалар штамм номери ва субтурлар рақамларини олади. Масалан, А грипп вируси Тайван / 1 / 7(Н3N2). Бу дегани вирус 1970 йилда Тайван оролида чўчқалардан ажратиб олнган ва ўз таркибига гемагглютонин 3(Н3) ва нейраминидаза 2(N2) ни олади. Икки антиген ҳам (Н ва N) бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда генлар томонидан тўзилади ва бошқарилади.

Бактерияларнинг айрим шундай вируслари маълумки, улар ўзида фаглар ва плазмидаларнинг хосаларини бирлаштирган бўлади. Уларни фазмидлар деб аталади. Улар келиб чиқиши табиий ва экспериментал бўлиши мумкин. Табиийларига айрим кам ҳаракат, ўртанча coli- фаглар кирса, сунъийларига 32<sup>0</sup> С да плазмида хоссасини, 37<sup>0</sup> С да эса реципиент хужайраларнинг лизисини ривожлантирувчи фазмида col 106 киради.

*E.coli*, *Salmonella* spp ва *Shigella* spp лар генетик гомологиясининг юқори жарадалиги сабабли улар орасида хромосомали гибридлар олиш мумкин:

**ДНК донорлари (хромосомалар) ДНК реципиентлари (хромосомалар)**

*E.coli*

*E.coli* нинг турли штаммлари  
*Salmonella* spp,  
*Shigella* spp

*Salmonella typhimurium*

*Salmonella* spp нинг турли хил тур ва штаммлари

*Shigella flexneri*

*E.coli*, *Salmonella typhi*. ва б.



Бу мақсадларда кўпроқ бактерияларнинг конъюгацияси усулига мурожат этилади. Бирок, шуни ҳам назарда тутиш керакки, генетик гомологияси унча катта бўлмаган турлар кучсиз конъюгирланади ёки умуман конъюгирланмайди ва улар орасида генлар алмашинуви деярли кўзатилмайди. Бу ерда энг илғор усуллардан бўлиб, ҳозирги кунда прокариот ва эукариотлар билан ишлаганда фойдаланиладиган портопластлар чатишиши методи ҳисобланади.

Одатда ёш хужайралардаги хужайравий степкалар қисман ёки бутунлай гидролитик ферментлар ёрдамида лизирланади. Ҳосил бўлган протопластлар кейинчалик полиэтиленгликолли ва унга мос келувчи протопластларни турғунлаштирувчи муҳитда чатишишга мажбур қилинади ёки мембранани деполяризация қилиш мақсадида электр ёки ҳарорат таъсир эттирилади. Шу йўл билан турлар аро ва хатто наллар аро гетерокариотик гибридларни ҳосил қилиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, шу йўл билан битта хужайра ичига жинсий карама-қаршилиқларга эга бўлган хужайралар (организмлар) ни жойлаштириш мумкин. Масалан, қуйдаги хужайралар протопластларини бирлаштириш мумкин: сабзи ва арпанинг, маккажўхори ва соянинг, картошка ва помидорнинг, айрим бактерия ва ўсимликларнинг, сичқон ва сабзининг, сичқон ва одамнинг. Аммо лекин кўчилик ҳолларда бундай гибридли хужайралар бус- бутун организмга йланиб кета олмайди. Шунингдек бундай гибридларнинг туғунлиги- гибридланувчи турларнинг эволюцион ўзоқлигига боғлиқ равишда карама- қарши пропорционал бўлади, яъни, гибрид ҳолатида эволюцион ўзоқ турларнинг яшаб кета олиш эҳтимоли, эволюцион яқин бўлган турларга нисбатан кам бўлади. Яшаш хусусиятига эга бўлган гибридлар чатишган шериклар бирининг геномидан кўпроқ сақлайди. Шунинг учун соматик гибридизация деярли чегараланган турлар ва насллар орасидагина амалга ошади. Масалан, 28 та хромосомага эга бўлган аллотетраплоид соматик гибридлари гуллаб турган ўсимликга айланиш хусусиятига эга:

- а) *Petunia parodii* (2nк14)тури
- б) *Petunia hybrida* (2nк14)тури
- в) *Petunia inflata* (2nк14)тури

Соматик гибридлар:

1) *P.parodii* x *P.hybrida* (4нк28)

2) *P.parodii* x *P.inflata* (4нк28).

К.Келер ва Ц. Мильштейнлар 1975 йилда илк бор сүтмизувчилар хужайраларининг соматик гибридларини – гибридомаларни олишга мувофиқ бўлдилар. Гибридомалардан кейинчалик моноклонал организмда антителалар антиген стимуляциясига жавобан В- лимфоцитлар дифференциацияси натижасида ҳосил бўлган плазматик хужайралардан ҳосил бўлади. В-лимфоцитлар юқори ихтисослаштирилган хужайралардир. Улардан организмда деярли  $10^7$  клонлар учрайди ва ҳар бир клон фақат битта спецификликка эга антителаларни синтезлайди. Уларни моноклонал антителалар деб аталади. Агар антиген бир нечта специфик гуруҳларни сақласа, унда ҳар бир детерминантга қарши антитела ҳосил бўлади.

Агар В- лимфоцит ўсиб бориб, *in vivo* га айланиб хавфли ўсимтани ҳосил қилса, унда бу ўсимта – миелома катта миқдорда антителаларни синтезлайди. Уларнинг спецификлиги аниқланмаган. Бироқ миелома хужайраларининг шундай вариантлари ҳам борки, уларда оғир ва енгил иммуноглобулинлар занжири синтезига нисбатан генлар экспрессияси мавжуд бўлмайди.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, жинсий гибридизацидан фарқли ўлароқ эукариот хужайраларининг соматик гибридизацияси икки шерикнинг нафақат ядро геномларини, балки цитоплазма геномларининг ҳам битта мембрана остида бирлаштирилиши билан яқунланади. Бу эса гибриднинг функционал фаоллигида ўз аксини топади. Турлар аро гибридларда хромосоманинг бир қисми турли специфikli бўлиб чиқадиган элиминация ҳисобига сарф бўлиши мумкин. Шундай қилиб “сичқон ва одам” ва “одам ва чивин” хужайралари протопластлари гибридларида одам ва чивин хромосомалари тўғри келган ҳолда элиминирлашади.

Хромосомаларни морфологик ажратишда бундай гибридлар генларнинг картиралаштиришда қулай бўлади. Эслатиб ўтиш лозимки, сичқоннинг соматик хужайраларида 20 жуфт хромосомалар,

инсон хужайраларида 23 жуфт хромосомалар ва чивиннинг диплоид хужайраларида 3 жуфт бўлади.

Шундай қилиб, амалиётда чатишиш чегараларини сезиларли даражада кенгайтириш мақсадида соматик гибридизацияни амалга оширишга интиладилар. Бу эса ядродан ташқариги генлар ва уларнинг функцияларини гибридли наслга киритиш ва хромосомалардаги генларнинг локализацияси учун муҳим.

Хромосом мухандислиги – гинетик мухандислигини бир бўлагидир. Хромосом мухандислиги (ХМ) ни объекти бўлиб эукариот ва прокариот хужайраларини хромосомлари ҳисобланади. Хромосомалар донори бўлиб суспензион ва субстратга боғлиқ хужайралар тўплами бўлиши мумкин. Прокариот хужайраларидан дезинтегротни ёки хужайралар лизотини центрифугалашдан олинган супернататдан хромосома (ДНК) ажратиб олинади. Эукариот хужайраларидан эса мейоз вақтида хужайрани бўлинишини блоклаб (гинотонин шаклини ўйлаб), кейин гемонизациялаб, ундан кейин дифференцион центрифугаланади.

Реципиент хужайралар юзасида кальций хлорид ёрдамида хромасомалар чўктирилади. Бир неча соатлардан кейин “перфоратор” – реагент (масалан глицерин) билан ишлов борилади. Реципиент хужайралар кенг доирадаги генетик (ирсий) материал сақлайди.

Хромосом мухандислиги ёрдамида одамга хос юқори молекуляр БФМ (биологик фаол модда) ларни олиш, ирсий касалликларни даволаш, уй ҳайвонларни ва турли ўсимликларни селекциллаш имкони яратилди.


Хар хил турлар хромасомалари ўзаро бирлашиши мумкин, натижада аллополиклоид (Юнонча *allos* – бошқа) шакллар ҳосил бўлади. Тўлиқ бўлмаган хромасомалар гуруҳини ҳам бирлаштириш мумкин. Масалан, 42 та хромасомали буғдойни 56 та хромасомали жавдар билан чатиштирганда 49 та хромасомали гибрид ҳосил бўлади, бунда 42 та хромасома буғдойни ва 7 та хромасома жовдорнинг.

Ўсимлик ва ҳайвонларни сунъий чатиштирганда ота – она авлодидаги цилмотли белгиларни наслда олишга ҳаракат қилади.

Назарий жихатдан исталган хужайрадан хромасома донори ёки реципиенти сифатида фойдаланса бўлади. Лекин амалдан ташқарида шириллаётган бегона ДНК ни юқори анцентрлаш фаоллигига эга хужайраларни каторидан фойдаланилади. Масалан одамни сийдик нуфагини кардинома хужайралари (ЕJ катор).


Митоз вақтида хужайралардан хромасомаларни ажратиб олиш паст ҳарорат (+4 °C) да олиб борилади. бунда хромасомалар дистрикциясини олдини олиш мақсадида полимер пипеткалардан фойдаланилади. Хужайраларни механик парчалашдан олдин гипотомик эритмада суспензия ҳолида келтирилади (10<sup>7</sup> та хужайра / мл), кейин паст ҳароратда (+4 °C) 2500 мин<sup>-1</sup> да 25 минут давомида центрифугаланади. Донор хужайралари хромосомаларининг 10% ажралиб чиқади. Тозаланган хромасомаларни дархол реципиент хужайраларга ўтказиш (трансфенция) керак.

Хромасомаларни хужайрадан метофаза даврида блоклаб хар хил усулларда олиш мумкин, шу қаторда юмшоқ таъсирга эга СФМ ёрдамида ҳам , масалан стероид – сополин гликозид – дигитонин бу дигитогенинни пентагликозитидир. Олигосахарид қисми гидроксил гурухлар ёрдамида агменонни С<sub>3</sub> атомига борилади, қанд қолдиғига 1 та ксилоза қолдиғи, 2 тадан галактоза ва глюкозадан иборат.



Шундай қилиб, ген, геном ва хромосом муҳандислигини шундай кетма – кетликда схематик кўринишда тасвирлаш мумкин.






Генетик муҳандислик ва терминологияни бундай тақсимланиши шартлидир, чунки рекомбинант ДНК устидаги ҳар хил манипуляциялар натижасини хужайраларда кўриш мумкин.

### 2.2.2. р ДНК – биотехнология

Келиб чиқиши турлича бўлган рекомбинант ДНК дан фойдаланиш “рекомбинант ДНК биотехнология ёки қисқача рДНК – биотехнология” асосини ташқил этади. Назарий жиҳатдан одамни ҳам ма 50 – 200 мингта структур генларини экспериментал анализ қилиш мумкин, лекин бу одам танасини табиатини тўла тушиниш имконини бермайди. Шундай бўлса ҳам рДНК – биотехнология ёрдамида турмушда, тиббиётда, хўжаликда қўлланиладиган моддаларни олишда катта истиқболларни очиб бермоқда.

рДНК – биотехнологияни қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин: хужайрадан ДНК ни олиш, олинган ДНК ни фрагментларга (қисмларга) бўлиш ва уларни тозалаш, шу ДНК фрагментини вектор плазмидага киритиш ва рекомбинант ДНК олиш, рДНК ни пермиссив хужайраларга киритиш ва генларни клонлаш, рДНК ни аплификацияси ва экспрессияси.

ДНК ни олиш. ДНК ни кимёвий ёки ферментатив синтез ёки исталган организм ёки вирусдан ажратиб олиш мумкин. Агар ДНК ни эукариотлардан олинадиган бўлса, клонлаш, амплификация ва экспрессияларга интиронларни кераги йўқ. Шунинг учун бундай ҳолатларда сплайсинг натижасида ҳосил бўлаётган мРНК дан фойдаланилади. (65 расм).



36 – расм. Клонлаш учун муължалланган мРНКдан ДНК фрагментини олиниши.

36-расмдан кўриниб турибдики, дезонсицитидилни гомокалиллар кетма – кетлигини бирикишини терминал трансфераза катализлайди. Шундай қилиб ампициллин ва тетрацилинга барқарор генлар сақловчи плазмид векторидан (PBR 322) клонлашда фойдаланиш мумкин. Рестриктаза билан парчалангандан кейин Pst I (*Providencia stuartii*) дан бу плазмид гомонининлар кетма – кетликка эга бўлади.

ДНК дан зарарланмаган генларни изоляциялаш учун ультратовуш ёки гидродинамик парчалашни қўллаш мумкин.

Олинган фрагментни структур ўзига хослигини инобатга олган холда ва уни р Coli E1 га ширтилиши коли – dA – dt типигаги боғ ҳисобига таъминланади.

### **ДНК ни фрагментларга (қисмларга) бўлиш.**

Исталган табиий ДНК эндокунмаза ферментлари ёрдамида “майдаланиши” мумкин, эндокунмаза ферментлари ичида рестриктазалар (рестриктацион эндокулмазалар) алоҳида ўрин эгаллайди. Бу ферментларни биологик роли масалан: прокариотларда хужайрага четдан кирган ДНК бўлагини гидролизлашдан иборат. Бунда хужайрани ўрини хромасом ДНК си ўзгармасдан қолади. Буни мазификацион метилаза ферментлари борлиги билан тушунтирилади. Бу метилазалар хромасомани кўп бўлмаган специфик сайтларидан А ёки Ц метилланиш реакциясини катализлайди, натижада метилланган ДНК рестриктазалар хужумига сезгирлиги бўлади. Метил гурухларни ташувчиси бўлиб S – аденозил L – метионин (SAM) ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда 500 тадан ортиқ рестриктазалар маълум бўлиб уларни кўпчилигини спецификлиги аниқланган. Кўпчилик рестриктазалар биотехнологияни охири маҳсулоти сифатида ишлаб чиқарилади масалан: Sigma (АҚШ), Pharmacia (Швеция), Serva (Германия) ва бошқ. бу ферментлар ДНК ни специфик қисмларини (сайтларни) ташиб ва уларни “тумтоқ” ёки “ёпишқоқ” учлар ҳосил қилиб парчалаш хусусиятига эга.

Рестриктазаларни ташиш кетма – кетлигини ўзунлигига қараб 3 та гуруҳга ажратилар эди.

1. тетрануклеотидларни ташийдиган, масалан *Arthrobacter luteus* дан олинган Al u I

2. пянтануклеотидларни ташийдиган, масалан *Ecoli* дан олинган EcoRII

3. генсануклеотидларни ташийдиган, масалан *Ecoli* дан олинган EcoRII

Alu I ДНК даги АГ/ЦТ кетма – кетлигини тумтоқ учлар ҳосил қилиб парчалайди, EcoRII ва EcoRI цц (А/Т) ГГ ва Г ← ААТТЦ кетма – кетлигини ёпишқоқ учлар ҳосил қилиб парчалайди.


Ҳозирги вақтда рестриктазаларни RMS – тизимни ҳисобга олган ҳолда 3 та синфга бўлинади. Бунда RMS рестрикция оксиллари, метиллаш ва экиш. Биринчисига ДНК ни исталган жойидан турли ДНК бўлақларини ҳосил қилиб парчалайди, иккинчисига (500 га яқин тури аниқланган) рестрикция ва экиш сайтлари бир – бирига мос келади – RS – MS. Ҳосил бўлган бўлақлар рестриктлар деб аталади. Бу гуруҳлардаги рестриктазалар амалиётда кўпроқ қўлланилади.

III гуруҳ рестриктазалар бошқа ҳам ма рестриктацион эндонуклеазаларни бирлаштиради. Буларни амалиётда камдан – кам ишлатилади.

Х.Смит ва Д. Нотакс таклифига кўра (1973) рестриктазаларни номенклатураси қуйидаги принцип асосида қурилади: ферментни номи харфлар ва рақамлардан ташқи л топади: биринчи харф рестриктазани манъбасини авлодини номидан кейинги 2 та харф манбани турини номидан олинади.

Бунда рестриктазалар танийдиган нуклеотидлар кетма – кетлиги 4 – 13 гача бўлади. (кўпинча 4 – 6 та) 37 расмда EcoRI ни ДНК билан таъсирлашуви кўрсатилган.





37-рasm. Eco-RIни ДНК билан боғланиши. а – юқоридан қуриниши.

ДНК ни манбаъсига қараб ундаги парчаланадиган сайтларни сони турлича бўлади. Сайтларни парчаланиши тумтоқ учлар ҳосил қилган ҳолда симметрик (масалан AluI, Ball, Dpn I ва бошқ.) бўлиши ва ёпишқоқ учлар ҳосил қилган ҳолда ассиметрик (AatII, Acc I, II, Bam HI ва бошқ.) бўлиши мумкин.

Рестриктазалар ДНК ни (4 – нуклеотидлар – А, Г, Г, Ц; n – ДНК даги сайтларни такрорланиши) формуладан келиб чиққан ҳолда тахминан ҳар 250 нуклеотидда кечади.


У ёки бу усул билан олинган ДНК бўлаклари гелларда (агарли, полиакриломидли - ПААГ) электроферазда ажратилади, шу гел қисмларини пробиркаларда эритилиб, ДНК ни фенол ёрдамида экстракцияланади, кейин изобутанол ёрдамида концентрланади, этанолда чўктирилиб ажратиб олинган тозаланган бўлақларни анализ қилинади. Зарурат бўлса, препаратив гел электроферазни қўллаш мумкин. *Coenorabiditis elegans* дан олинган 160 мкг ДНК дан 2 – 4 мкг ДНК бўлагини олиш мумкин.

Олинган рестриктларни (айниқса ёпишқоқ учли) ДНК – лигазалар ёрдамида тикиш мумкин. Керак бўлса, ёпишқоқ учлар куйдирилади (куйдириш – бу ўзига хос комплементлар раассацияция бўлиб натижада 2 занжирли молекулалар ҳосил бўлади):

Нуклеотидлар орасидаги бўшлиқда лигаза ферментлар ёрдамида ҳосил қилинадиган фосфодизфир боғлари йўқ, бу ферментлар 3<sup>1</sup> ва 5<sup>1</sup> гидроксил грухлар ҳисобига борадиган реакцияларни катализлайди.

ДНК бўлақларини тикиш учун линкер (лиг. Link – боғлаш) ва адапторлардан фойдаланилади. Линкер – бу иккиламчи занжирли полта синтетик олигонуклеотид бўлиб, бир қатор рестриктазалар танийдиган сайтларни танийди.

Адаптор бу – рестриктаза танийдиган биттадан ортиқ сайт сақлайдиган линкердир ва адаптор учлари бир – бирига тўғри келмайдиган ДНК бўлақларини бирлаштириш хоссасига эга. ДНК рестрикцияси кейин ҳосил бўладиган учлари тумтоқ бўлақлар ТУ фолидан олинган ДНК – лигаза таъсирида осонликча бирикади. Генетик мухандисликда нусха ДНК ни ажратиш керак. нДНК мРНК ни ва векторни нусхаси бўлиб, хромасом ёки геном клонларни ўзида сақлайди. Геномни ҳам масини клонлашда (шотгян – тажриба, инглизча shotgum милтиқ) қисқа нуклеотидлар кетма – кетлигини танийдиган рестриктазалар ёрдамида бўлинади. Парчалаш шундай шароитда олиб бориладики, бунда ДНК қисман рестрикцияга учайди. Ҳосил бўлган бўлақлар хар – хил ўзунликда бўлади аммо бир хил кетма – кетлик билан тугайди. Генда ёпишқоқ учларни бўлиши уни клонлашда катта қулайлик яратади. Геномни бўлингган генларни клонлаш векторига терилиб (химерлар тўплами) чегараланмаган вақт сақлашни мумкин. Бундай ДНК ни клонланган бўлақларни “геном кутубхонаси” деб аталади.



38-расм. Саъзерн буйича рестрикт аралашмаларидан ДНК фрагментларини ажратиши.

### ДНК бўлагини вектор плазмидага киритилиши.

Латин тилида вектор сўзи олиб юрувчи, ташувчи; математикада – бу маълум йўналиш берилган тўғри чизикли кесимдир. “Вектор” тушунчаси молекуляр биологияда юқорида келтирилган аниқлашларни ўзига бирлаштиради ва “Клонлаш учун вектор” 1974 йилда М. Томас томонидан киритилган бўлиб, реципиент хужайрага келиб чиқиши турлича бўлган бегона ДНК ни киритиш имконини берадиган ДНК молекуласидир.


Вектор – клонлашдаги энг мухим компонентлардан биридир. У қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- 1) Керакли миқдорда йиғиш ва ажратиб олиш энгиллиги;
- 2) Трансформант танлаб олиш учун ўзида генетик маркерларни сақлаши лозим;
- 3) Хар хил клонлаш учун керакли ДНК молекуласини ажрата олиш учун вектор ДНК сида турли рестриктазалар танийдиган бир неча сайтларни бўлиши. Масалан *EcoI* хужайрасида ДНК ни клонлашда 2 та синф векторлардан фойдаланилади – плазмидлар ва фаглар.

Бундай вектор тизимларни маркер сакловчи ДНК молекуласидан яшаш ва эукариот шу билан бирга сут эмизувчи ҳайвон хужайрасига киритиш мумкин бўлади.

Вектор тизимларини 68 а – расмда тўзилиши кўрсатилган.

Ўсимлик вируслари ўсимлик хужайраси учун потогенлигини юқори бўлиши ва хўжайин эукариот хужайрасини хромасомасига кира олмаслиги учун вектор тизим сифатида кам яроқлидир. Ҳозирги вақтда 3 хил вектор тизимларни ўрганиш устида иш олиб борилаётган. Булар 2 занжирли рангли каром мазонка вируси, бир занжирли тамаки РНК – вируси, бир занжирли тилларанг фасол ДНК – вируси.



рДНК ни ионлаш

39-а, б расм. а- плазмид, б- плазмидани векторга бегона ДНКни қўшилиши.

Дж. Колменс ва Б. Хон 1978 йилда космид вектор ёки cos – вектор деб аталувчи плазмид - λ фаг ДНК си → вектор тизимсини



амалиётга киритди. Бу вектор 40 – 50 гача пн ни олицентрлаши мумкин. Бунда битта геномда плазмид репликаторлари ва  $\lambda$  фағни *cos* – сайтлари биргаликда ишлайди. Космидларда фағлар ва плазмидаларга хос хусусиятлар мужассамлашган, яъни фағни бошчасида ўзини ДНК сини сақлаб ва автоном репликацияланиш хусусиятига эга. Фағ ва плазмидлар фазмидларда мужассам бўлган, бу гуруҳга космидларни ҳам киритиш мумкин.

ДНК молекуласини векторга киритилиши 39 б-расмда кўрсатилган.

**рДНК ни клонлаш.** рДНК ни клонлаш учун пермиссив хужайралардан фойдаланилади. (инг. Permission –руҳсат бериш) Клон бу ота – она молекуласини ёки хужайрасини тўлиқ ўзида созлаган молекула ёки хужайра тўпламидир.

Пермиссив хужайраларга куйидаги хоссаларга эга хужайралар ҳам киради:

- 1) нуклеаза ферментлари таъсирида киритилган ДНК ёки РНК парчаланмайдиганлар.
- 2) Векторни репликация механизимини ишлаб кетадиганлар.
- 3) мРНК ни тўлиқ сплайсинги бўладиганлар.
- 4) рДНК промоторни (ёки) ва термикаторни транскрипциясини фаоллиги яққол кўринадиганлар.
- 5) мРНК ни самарали трансляцияси
- 6) синтезланган бегона оқсилларни гидролизини катализлайдиган пептидогидролазаларни яққол фаоллиги йўқ хужайралар ҳам киради.

Бошқача қилиб айтганда, сахарамидет агитцетлар тепли зукариотлардир, шунинг учун уларда хайвонлар ва ўсимликларни генларини клонлаш осон. *S. cervisiae* да 17 та хромасома бор бўлиб, унда 600 тадан ортиқ генлар бор. Агитцик хужайраларида керакли генни клонлашда ташувчи векторлардан тез – тез фойдаланиб турилади, бу векторлар ўзида бактерия ва агеци плазмидларини *ori* – сайтини сақлайди, шунинг учун бу векторлар агеци ва микроб хужайрасида ўзига репликацияланади. 68 расмда *E. coli* ва маймун хужайраларида репликацияланадиган ташувчи векторни схематик тўзилиши келтирилган. Бу вектор таркибида 342 та пи дан иборат

бўлиб, бу бўлак ўзида SV – 40 вирусини иромотори ва ogi – сайтлари бор; бу бўлак (фагмент) к ДНК бўлаги билан боғланган бу боғланиш ўзида pbg 322 бўлагини пре – INF кодловчи кетма – кетлигини сақлайди. Буниси ўзида ампицилленга резистентлик ва pbg 322 ни репликация ogi – сайтига эга.

Замбуруҳларда 3 хил циклик халқа шаклида плазмидлар ажратиб олинган: икки ва уч микронли, митохондриял (ўзунлиги 24 мм) ДНК. Биринчи иккитаси “эластик” критик қаторга киради, чунки уларни биологик аҳамияти аниқланмаган. Селектив маркерлардан халос бўлганлиги учун вектор сифатида уларни аҳамияти фақат замбуруҳларда, ҳам бактерияларда ишлайдиган хромосом генини киритгандан кейин векторлар сифатида маълум қимматга эгадир. Бу генларга аргинин, супцинатлигаза, аспаратат – транскарбомилаза, галактоменаза, дигидрофатдегидрогеназа, триптофансинтетаза каби ферментлар синтезига жавоб берувчи генлар киради.

YRp- векторлари – репликатив плазида бўлиб, таркибида – кетма-кетлиги деб номланган хромосома репликаторни кетма-кетликлар бор. Yrр ёрдамида олинган дрожжи трансформатлари ностабилдир.

YCr- векторлари ўзуксимон мини хромосомаларга ўхшаш бўлиб, дрожжи хромосомалари ва ars1 ва ars2 репликаторларини сақлайди. Улар митоз ва мийозда стабил бўлиб, генлар клонлашда энг мақул хисобланади.

YLp- векторлари чизикли мини хромосомалар бўлиб, YCr базасида қурилган. Бунинг учун ўзукли плазида YCr га плазмидани линейаризация йўли билан хромосома учудаги специфик, тўғноғичга ўхшаш нуклеотидларни киритилади.

Плазида ва фаглар ўғай ДНКни геномнинг инерт қисми сифатида ташиб беради, шунинг учун уларни клонлайдиган вектор ҳам дейилади. Биологик технологияда мультикопияли плазмидалар маъқулдир (1 хужайрага 10-20 та). Агарда плазида репликация таъсири остида бўлса (бактериялар кўпайиши тўхтаганда) плазмидалар сони бир хужайрага мингтагача кўпайиб кетади.

Шунинг учун ҳам озуқа мухитига левомицин қўшганда плаزمидани нусхаларини қўпайиши қўзатилади.

рДНКни пермиссив хужайрага киритиш учун хар хил усуллардан фойдаланилади: трансформация, инфекция, микроинекция. рДНК оддий трансформацияда *Bac. subtilis*, *streptococcus pneumoniae*, рДНКни ингибирланган тизимли *E.coli* хужайра деворидан ўта олади.

1970 йилда М.Мендель ва А.Хига бактерия ДНК фағни *E.coli* хужайрасига трансформациясини амалга оширади. Бу усул хозирга қадар ҳам ишлатилади. Унинг босқичлари қуйидагича:

1. Озуқа мухитларда оптимал ҳароратда культураларни ўстириш.

2. Суспензияларни центрифугалаш.

3. Чўкмани совитиш.

4. Плазмидали ДНКни қўшиш.

5. 42<sup>0</sup>С ҳароратли иссиқликни 5 мин давомидида таъсир эттириш.

6. Намунани 10 мартабагача суюлтириш.

7. Петри косачасида хужайраларни экиш.


8. Керакли мухитларни ажратиш ва клонни қўпайтириш.

Вектор орқали киритиш трансфекция дейилади. Альтернатив усул – эукариот вирусини ишлатиш – яъни эукариот хужайраси вирус билан касалланганда вектор сифатида литик вируслар SV 40, ретровирус ва пахилломавируслардан тўзилган векторлар ишлатилади.

Ўсимликларда трансформация ва инфицирлаш усуллари билан ген инженер тажрибаларини ўтказса бўлади.

Микроинъекция усулини ДНКни хужайра ичига механик киритишда ишлатилади. Бунда сутэмизувчи ва ўсимлик хужайрасига шишали микронайча орқали киритилади. Бу усулни биринчи бўлиб Дж. Е мерц ва Дж. Б. Гердон 1977 йилда Хепориз бақаларида кўрсатиб берган. рДНКни хужайра ичига фосфатидисерин ва холистерин (1:1) дан тайёрларган микосомалар орқали киритса бўлади. Масалан ультратовуш таъсирида рВР-322 плазмидасидаги β- лактоза генини липосомага киритса бўлади. Сер озуқа мухитда рДНК ли хужайралар қўпаяди ва уларни қўп миқдори клон деб

атилади. Ҳамма рДНКни сақловчи клонларнинг йиғиндиси “рДНК ни кутубхонаси” дейилади.




40-расм. Ооцитни ядросига микроинъекция қилиш.

#### Генларнинг амплификацияси ва экспрессияси.

Амплификация бу хромосомаларни қўшимча колониясидир. Кўпинча биотехнологияда ўзунлиги 3 мн ли бўлган кичик плазмидалар ишлатилади. Бу плазмидалар конюгация пайтида ўтмайди. Улар трансмиссибилмасдир. Лекин улар трансформация йўли билан ўзатиши мумкин. Амплификация натижасида кўпинча бир хужайрага 10-30 нусха нотрансмиссибил плазида тўғри келади. Амплификация схемаси 41-расмда келтирилган.






41-расм. Нотрансмиссибил плазмидани амплификацияси.

Woesii (Pwo – ДНК – полимераза), ПЦР нинг эффективлигини оширади. ДНК денатурациясидан сўнг ҳам ўз активлигини сақлаб қолади ва ҳар циклдан сўнг уни алмаштириш талаб қилинмайди.

Реакциянинг ҳарорат оптимуми  $70-75^{\circ}\text{C}$  ни ташқи л қилади бу эса ДНК нинг амплифицирланган фрагментларини қирқиш унумини оширади.

42-расмда фақатгина 2 та 1чи цикл кўрсатилган. 3 циклдан бошлаб ДНК ни ва ҳосил бўлган маҳсулотлар тақдири кўрсатилмаган. Бош занжирда ҳосил бўлгани учун фрагментлар арифметик прогрессия билан кўпаяди, 3-циклни охирида пайдо бўлаётган калта фрагментлар геометрик прогрессия билан кўпаяди.

ПЦР нинг камчилиги: Анализ учун олинаётган нусхаларни ифлосланиши, ҳар бир жуфт учун алоҳида шароит талаб этилиши. ПЦР фақатгина кетма-кетликларни сенвенерлиги ҳақидаги аниқ ахборотга тақалади.



42 – расм. Полимераза занжир реакциясининг схемаси.

Лекин ПЦР ни амалий аҳамияти каттадир. Қайтар транскриптаза орқали ДНК ни синтезлаб, кейин уни амплификация учун матрица сифатида ишлатилади.

Агар биринчи таниш прайлар ишлатилади, иккинчи прайлар сунъий бўлиб, гомоколилар “дум” га уланган бўлади. Бундай қараш лангар ПЦР (72-11) дейилади. Яна инвертирланган ПЦР маълум, бунда синтез қарама-қарши тараф ноъмалум зона томон боради.

1988 йил Perkin-Elmer Cetus (АҚШ) фирмаси томонидан ПЦР учун автоматлаштирилган приборли техника яратилиб, у ген изланишларда жуда кўл келди. 1991 йили шу фирма томонидан ПЦР – технологияни 2-чи генерацияси яратилди (Gen Amp PCR System 9600) ва ПЦР ни продуктивлигининг “Ока” Фирмаси ўзини чет элликдан арзон бўлган юқори сезгирли амплиши каторини таклиф қилади.

Генларнинг функционал активлиги транскрипция ва трансляция ҳаракат натижасида пайдо бўлади ва экспресс генлар деб аталади. РНК полимераза промоторга боғланиш даражаси транскрипция самарадорлиги, м-РНК нинг турғунлиги ва унинг рибосома билан алоқаси натижаси трансляция самарадорлиги дейилади.

Прокариот генлар экспрессияси промотордан чиққан маҳсулотларни ва ўзига ўхшаш турларга жавобгар ҳисобланади. Бир-биридан ўзоқлашган прокариот геномларига нисбатан «транскрипция-трансляция» тизимси генларни кам ишлаб чиқаради ёки умуман ишлаб чиқармайди. Шунинг учун бу ерда векторлар муҳим рол ўйнайди.

Эукариот экспрессияси прокариот катакинларидан генларни ажратиб чиқармайди ёки катта қийинчилик билан ажратиб чиқаради. Эукариот генлар ядросида интронлар мавжуд, бактерияларда эса сплайнинг жараёни йуқ, шунинг учун бактерия хужайраларида охириги бегона маҳсулотлар ҳосил бўлади, қоидага кўра улар актив эмас. Бир вақтлар векторлар тизимсидан фойдаланилган ва ПУР муаммоларни тез ҳал қилиш, боғланган р-ДНК ни ва турли реципиент катакчалар экспрессияси йўлга қўйилган.

Оқсил молекулаларини ишлаб чиқарилиши қоидага кўра генлар экспрессияси билан кўзатиб борилади. Бир нечта р-ДНК аралашмада яширилган оқсилларни олишда. Бу хужайралар муҳим саналади, агар бу содир бўлмаса олинган маҳсулотни парчалашга тўғри келади ва экстрактдан керакли оқсил олинади.

Хозирги вақтда генлар экспрессияси асосида р-ДНКнинг бактерия ва ачитқи штаммларини ишлаб чиқаришни бажара олиши ётади, гонадотропин, интерферон ва б. олинган штаммлар – бир нечта

маҳсулотлар; олинган бактериялар тошқўмирни олтингургуртдан тозалаш ва уни суюқлик ва иссиқ газ ҳолатига келтиришни амалга оширади. Фитобиотехнологияда ўсимликларни чапиштириш натижасида юкори калорияли ва озуқа аҳамиятига эга бўлган ўсимликлар яратилади. Вилол зообиотехнологияда ҳайвонот дунёси учун ген инженерияси ишлари муҳим аҳамиятга эга.

Реципиент хужайра клонлари донорли хромосомани материалдан таркиб топган, ёки трансгенлар кенг диапазонда сонига қараб ажратилган ва агар клонланган генларнинг функционал активлиги ва регуляцияси бутун организмда ўрганилса бу организм транс-ген организм дейилади.

XX-XXI асрларда транс-ген ҳайвонларнинг олиниши олиб борилмаган бугунги кунда Эдинбургдаги қўйларга инсоннинг бир қанча генлари киритилганлиги ҳақида ахборотлар мавжуд, умуртқали ҳайвонлар ген хужайраларига гармон генлари киритилган, озроқ ёғга арилштирилган ҳолда олиб борилган ва уларни тез ўлишига эришилган. Бу натижалар бахтга қарши тўхтаб қолди. Биологик технологияда яхши натижалар олиш учун ген инженериясидаги барча тажрибалар ўтказилган.

Генлар ривожланиши билан "оқсил инженерияси" катта аҳамият касб этиб бормоқда ва унга ген инженерияси катта аҳамиятга ва унга ген инженерияси асос солиб, оқсил инженерияси "Биологик технология" илмининг усули ҳисобланади. Бу ерда барча кўрсатмалар фермент структурасидаги бош звенолорни ўрганиш, аниқлаш (нима учун улар шу ҳолда фаолият кўрсатади, бошқача эмас), табиий оқсиллар кўринишини ўзгаришини ўрганиш, уларни қайта дойиҳалаш, генотип таъсирида фенотип ўрганиш учун пўналтирилган.

Табиий оқсиллар ўзининг табиий кўринишига эга – бу чўзинчоқ, унинг хос эгилган ёки буралган структуралардир. Шунинг учун оқсил инженериясига бағишланган илмий адабиётларда "архитектура дизайни" деган терминини учратиш мумкин. Оқсил инженерияси ҳар доим ҳам табиий ва рекомбинант ген маҳсулотларига асосланган бўлади.



Шундай қилиб, клонлаш ва ген экспрессии этаплари кетма кетлиги куйидаги тартибда кетади:

1. Хромосомани саралаш (автоматлаштирилган ҳолда бўлиши мумкин) ва ДНК ни олиш (фақат ДНКни ажратиб олиш, масалан прокариотик хужайрадан);
2. ДНКни векторга киритиш (плазмидалар);
3. Трансформация (трансформация, инфекция, инъекция);
4. Хужайра клонини йиғиш (клонлаш) ва топиш;
5. р-ДНК ни ажратиш (плазмидалар);
6. Клонланган рДНК фрагментидаги нуклеотид кетма кетликни аниқлаш (автоматик равишда);
7. Плазмидалар функциясининг таъсири учун плазмидалар тўзилиши ва конструкцияси;
8. Трансформация;
9. Клонни топиш ва клонлаш;
10. Плазмидани ажратиш;
11. р-ДНКдаги нуклеотид кетма кетликни текшириш (балки автоматик равишда);
12. Трансформация;
13. Таъсирлашувчи оқсил предметида ўсимликни ўстириш;
14. Оқсилни ажратиш;

р-ДНК биотехнологиясининг инсон жамиятидаги тутган ўрни қандай?

Ерда ўсувчи аҳоли муҳити ва экология муаммоларда р-ДНК биотехнологиянинг тутган ўрни ва роли инсоннинг оқсилга, турли дори дармонга бўлган эҳтиёжи орқали ирсий касалликларни бартараф этиш белгиланади.

Умум-илмий режада асосий бўлган изланишлар: а) турлар ўртасида генетик маълумотни кўчириш жараёни ва хужайра функциясининг механизмини ёритиб бериш;

б) янги мавжудотлар – химер ва янги организм, монстрларни яратиш усуллари ва йўллари;

н) турли мавжудотлар (инсонни ҳам ҳисобга олганда) эволюцияси (вақт ва фазо бўйича ўзгаришга учраши барча тирик материяга абадий деб қараш )

### **Организм ўзгарувчанлиги ва унинг биотехнологиядаги роли**

Йилдан-йилга турли организмларнинг атроф-муҳит билан алоқаси борган сари мураккаблашиб бормоқда-аҳоли сони ўсиб бормоқда ва ернинг ресурслари тугаб бормоқда. Аллақачон бугунги кунда биосферани ифлослантирувчи моддалар миқдори ҳисобдаги қийматдан ошиб кетди. Маълумотларга кўра, табиатни ифлослантирувчилар ичида биринчи ўринни пестицидлар (лотинча *pestis*-зараркунанда, *caedo*-ўлдириш), иккинчини оғир металллар эгаллар экан. 1985 йилдан 1990 йилгача бўлган даврда кимё саноати йилга 250 минг тонна кўп маҳсулот ишлаб чиқарди. Ундан 30 % атроф-муҳитга тушади.

Инсонларнинг атом электр станцияларига нисбатан кескин салбий муносабатда бўлишларига қарамай, термоядро энергияни танлаш кўриб чиқилмапти. Термоядро энергияси ген инженерияси билан биргаликда планетамиз одамларининг яшашини ўзоқ вақтгача таъминлаш мумкин.

Иккинчи тарафдан, жамиятда ядро изотоми ролининг ўсиши натижасида кўнгилдагидек қутилмаган мутацияларининг (лотинча *mutare*-айланиш) пайдо бўлишини олиб келмоқда.

Буларнинг ҳам маси организмларнинг ўзгариб кетишида ўз ифодасини топади.

Улардан айримлари биотехнологияда қўлланилади. Мавжуд бўлган тирик организмлар орасида янги белгилари билан фарқ қилувчи организмларга ўзгарувчанлик тушунчаси қўлланилади. Ўзгарувчанликнинг уч хил тури – модификация, давомли модификация, мутация мавжуд бўлиб, биотехнологияда мутацион ўзгариш катта аҳамиятга эга. Ҳосил бўлган мутантлар ҳозирги кунда антибиотиклар амино кислота, фермент ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришда кўп ишлатилади.

Давомли модификация прокариот ва эукариот хужайра формаларига хос. Бунда хужайра гепоти ўзгармай қолади. Ташқи муҳитга боғлиқ бўлган ҳолда барқарор метоболик циклни ҳосил қилувчи ўзгарган фенотин эса хужайра ичидаги муҳитда автоном ҳолатда бўлиб қолади. Кўп карралик цитоплазманинг суюлишининг ҳолати юзага келади ва юқоридаги метоболик цикл йўқолганда она хужайранинг дастлабки метоболити қуйи чегара бўлиб қолади.

Организмдаги, фенотипик генотинни хусусияти унга белгиланган шароити бўйича аниқланади.

Бундай ҳолат бошқа муҳит яратишда ҳам кўзатилади: давомли модификация ҳолатидан хужайра асли ҳолатига қайтади (фенотин). Шундай қилиб, юзага келувчи ва юқолиб борувчи модификацияда озикланувчи муҳитда бир хил генотип хужайраларининг бир томонлама ўзгариши кўзатилади.

Берилган шароитда генотин хусусиятларини организмнинг фенотин кўринишлари ифодалаб беради. Шунинг учун адаптацияни ҳам конкрет бор шароитда хужайраларнинг (ўсимлик, организм) ўзгариши деб аниқлаш мумкин.

Мутацияда генотин ёки хужайранинг (организмнинг) ирсий қонуниятлари ўзгаради. Мутация бошқарувчи (индуцирланган) ва бошқарилмайдиган бўлади. Бошқарилмайдиган мутация турли организмларда битта генерация учун  $1 \cdot 10^{-5}$  –  $1 \cdot 10^{-7}$  частотада кетади. Яни битта генерацияда йўналтирилмаган ҳолда 100 000 ёки  $10^6$  хужайрадан биттаси ўзгаради. Бошқарувчи мутация частотаси ун минг баробар ўсади.


Мутацияни юзага келтирувчи омиллар физик, кимёвий ва биологик разрядга таълуқли бўлиб, улар мутагенлар деб аталади.

Таъсир этишга қараб мутагенлар икки синфга бўлинади: тўғри (нуклиен кислоталарга) ва тескари.

Ацетон ва бутанол биосинтези (ФДФ йўл билан Эмбден – Мейергоф - Парнас усули бўйича) муҳитининг рН га боғлиқ – киичик қийматда ацетон – Ац Ко А нинг ацетонга трансформациясида қатнашувчи ферментлар активланади.

Физикавий мутаген сифатида юқори ёки паст ҳарорат, турли кўринишдаги нурланиш (ултрабинафша, ионланиш), ультратовуш. Хужайрага ҳарорат таъсир қилинганда ДНК таркибидаги энг турғун моддалари пурин ҳосил алари ҳисобланиб, натижада апурин сайтлари келиб чиқади (ДНК дан пуринларни ажралиши). «Ҳароратли шок» турли хужайраларда сезиларли даражада ўзгартириш хусусиятига эгадир – метал ва кўринадиган мутацияларнинг частотаси ўсади. Маълумки, белгиланган организм учун чегарадан юқори ҳарорат таъсирида гомойотерм турдаги (доимий тана ҳарорати) хужайрада пойкилоторм турдаги хужайраларга қараганда кучлироқ сезилади яъни уларда тана ҳарорати атроф муҳитга боғлиқ (грекча сўзидан *omoios* – бир хил *poihlos* – турли хил *terpe* - иссиқлик).

Маълум ҳарорат ўзоқ вақт давомида таъсир эттирилганида метал мутацияларда «ҳароратли шок» натижасида пайдо бўладиган мутациялардан ҳам фарқланади (43-расм). Ҳароратга сезгир мутантлар турли организмларни генетикасини ўрганишда асосий қурол ҳисобланади.




43-расм. Дрозофиллага ҳарорат таъсир эттирилганда летал мутациялар частотаси. 1 – Хромосома, 2 – II – Хромосома


Ультарбинафша нурлар (УБН) ионли нурланишидан кўра ўзун тўлқин ўзунлигига эга бўлиб, кичик энергияга эга. Уларни мутагенли



таъсирини А.А. Промптов 1931 йилда очган УБН ни тўлқин ўзунлиги 260 нм бўлганда ДНК томонидан ютилади, бунда ДНКни комплемент иплари орасида водород боғлари ўзулади ва ёнида жойлашган тимин асослари ковалентли боғланган димер ҳосил қилади, уни реакциясини тўхтатади. Ядро бўлиниш хусусиятини йўқотади ва хужайра нобуд бўлади.



Дезоксирибоза



73 – расм. Кўринарли ёруклик таъсирида УБН билан нурланган хужайрада ДНК депарацияси.

1 – бошланғич ДНК, 2 – тимин димерни ҳосил бўлиши, 3 – кўринарли ёруклик ва фотолиза ферменти таъсирида фотореактивацияси, 4 – тимин димеридан ажратилган ДНК ферментатив реакция, қоронгида ўтказилади, 5 – қоронгуликда липаза таъсирида ДНК ресинтезланган майдони.

Мутацияланган хужайраларда УБН асосан ички ген ўзгаришини келтириб чиқаради. Нуклеин асосларга таъсир қиладиган мутациялар кўпинча трансверсия турига таъллуқли. Тиминли димерлар ҳосил бўлишида хужайралар ферментларни компенсаторли равишда протутирлайди у билан комплекс ҳосил қилади ва ДНК ни бошланғич структурасини тиклашда қайтарилиш реакцияларини катализлайди. Фақатгина битта фермент ДНК билан комплексдан ажраламаган ҳолда (бу ерда у ноактив) кўринадиган ёруғлик (фото риактивация) таъсирида актив шаклда ажралади ва ўзилган ДНК ни (фосфолипаза +  $h\nu$ ) тикланиш реакциясини қайта катализлайди. Бундан, УБН ли мутагенли таъсири олинган бўлиши ёки кўринарли ёруғлик таъсирида камайтирилган бўлиши мумкин. (73 – расм). Кўриниб турибдики, УБН барча генларга таъсир қилади, шунинг учун бундай мутагенезни моҳияти охиригача ечилган ҳисобланади. Ундан ташқари организмда УБНларга чидамлилари, масалан *Salmonella typhimarium* мавжуд.

